Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 16 август, № 175 (8237) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА КУН ТАРТИБИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

**15 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кенг кўламли стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Олий даражадаги келишувларга мувофиқ ўзаро алоқалар ва сермаҳсул алмашинувлар юқори суръатда давом этаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Мамлакатимизда Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокидаги қўшма инвестиция лойиҳалари фаол амалга оширилмоқда. Ўзаро савдо кўрсаткичлари ўсмоқда, транспорт ва логистика соҳаларида кооперация алоқалари кучаймоқда. Биргаликдаги гуманитар дастурлар рўёбга чиқарилмоқда.

Икки мамлакат етакчилари минтақавий масалаларга тўхталар эканлар, август ойининг бошида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон, Туркия ва Озарбайжон ташқи ишлар, савдо ва транспорт вазирларининг учрашуви муваффақиятли ўтказилганидан ғоятда мамнун эканларини таъкидладилар. Ушбу форматдаги амалий ҳамкорликни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Шунингдек, халқаро ва минтақавий тузилмалар, шу жумладан, Туркий давлатлар ташкилоти ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари шу кунларда Туркиянинг Коня шаҳрида ўтаётган ва ўзбекистонлик спортчилар муваффақиятли иштирок этаётган бешинчи Ислом бирдамлиги ўйинлари юксак даражада ташкил этилганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон ва Туркия Президентларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек самимий ва дўстона руҳда ўтди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН САУДИЯ АРАБИСТОНИГА БОРАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Икки муқаддас масжид ходими – Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан 17-18 август кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.**

Ташриф дастурига мувофиқ, Жидда шаҳрида олий даражадаги Ўзбекистон — Саудия саммитининг асосий тадбирлари бўлиб ўтади.

Музокаралар кун тартибидан мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни, энг аввало, савдо-иқтисодиёт, инвестиция, энергетика, молия соҳаларида ва маданий-гуманитар йўналишда янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари ўрин олган.

Алоҳида эътибор "яшил иқтисодиёт", юқори технологиялар ва рақамлаштириш, тиббиёт, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаларида қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга оширишга қаратилади.

Саммит якунида икки томонлама битимларнинг салмоқли тўпламини имзолаш режалаштирилган.

Ташриф дастурида Саудиянинг етакчи компаниялари, нуфузли халқаро тузилмалар — Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва Ислом тараққиёт банки раҳбарияти билан учрашувлар ҳам кўзда тутилган.

Саудия Арабистонига давлат ташрифи чоғида давлатимиз раҳбари барча мусулмонлар учун муқаддас Макка ва Мадина шаҳарларини зиёрат қилиши кутилмоқда.

**ЎзА.**

Ўзбекистон — Саудия Арабистони:

## ТАРИХИЙ РИШТАЛАР ТОБОРА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА ВА РИВОЖ ТОПМОҚДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Подшоҳ Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан 17-18 август кунлари давлат ташрифи билан Саудия Арабистонида бўлади.

Сўнгги йиллар давомида Ўзбекистон Республикасининг араб мамлакатлари, жумладан, Саудия Арабистони билан ўзаро ҳамкорлик муносабатлари изчил ривож топяпти ва тобора фаоллашмоқда.

Ўзбекистон ҳамда Саудия Арабистони жуғрофий жиҳатдан бир-бирига яқин бўлмаса-да, давлатларимизни умумий тарих, диний-маърифий қадриятлар муштараклиги ва маданий ришталар боғлаб туради.

Саудия Арабистони Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган. 1992 йил февраль ойида икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари даражасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида протокол имзоланган. Бугунги кунда барча соҳада ўзаро манфаатли муносабатлар янги даражага кўтарилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан, 2017 йил 20-21 май кунлари Ар-Риёд шаҳрида ўтказилган Араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммитидаги иштироки икки томонлама ҳамкорлик тарихида янги босқични бошлаб берди. Давлатимиз раҳбари ушбу ташриф доирасида ўтказган олий даражадаги учрашувлар чоғида ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинди.

Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ташқи сиёсат идоралари ўртасида мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда. Хусусан, 2021 йил 29 июнь куни сиёсий маслаҳатлашувларнинг 4-раунди доирасида томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолати ҳамда ривожланиш истиқболларини, шунингдек, халқаро ва минтақавий масалалар бўйича ўзаро ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилди.

Анжуманда сўнгги йиллар давомида Ўзбекистон ҳаётининг барча жабҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақидаги батафсил маълумотлар тақдим этилди. Бу янгиланишлар жараёни икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш учун янги имкониятларни очиб бераётгани таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2021 йил 15-16 июль кунлари Тошкентда ташкил этилган "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзуидаги халқаро конференцияда Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири Шаҳзода Файсал бин Фарҳан бошчилигидаги делегация қатнашди. Саудия Арабистони делегацияси раҳбари Ўзбекистон Президенти томонидан қабул қилинди. Учрашув чоғида Саудия томони республикамизнинг Марказий ва Жанубий Осиёдаги минтақавий алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича муҳим халқаро ташаббусларини, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этишга ҳар томонлама кўмаклашиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади ва қўллаб-қувватлади.

➡ 2

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## «Имом Бухорий» орденини таъсис этиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 12 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2022 йил 13 августда маъқулланган

**1-модда.** «Имом Бухорий» ордени таъсис этилсин.

**2-модда.** «Имом Бухорий» ордени тўғрисидаги низом тасдиқлансин (илова қилинади).

**3-модда.** «Олий Даражали Имом Бухорий» ордени ва «Имом Бухорий» орденининг тавсифлари тасдиқлансин (илова қилинади).

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган **«Давлат мукофотлари тўғрисида»**ги 176–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–473-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 221-модда; 2019 йил, № 9, 589-модда; 2020 йил, № 3, 200-модда, № 5, 299, 300-моддалар, № 6, 334-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг орденлари таркибига «Олий Даражали Дўстлик» ордени, «Олий Даражали Имом Бухорий» ордени ва «Имом Бухорий» ордени ҳам киради»;

2) **15-модданинг**:

**саккизинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Олий Даражали Дўстлик» ва «Олий Даражали Имом Бухорий» орденлари кўкракнинг ўнг томонига ёки орден занжирида тақилади»;

**ўн иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Планкалардаги ленталарни тақиб юриш қоидалари олий мукофот белгиси – «Олтин Юлдуз» медалига, «Мустақиллик», «Амир Темур», «Олий Даражали Имом Бухорий», «Жалолиддин Мангуберди», «Олий Даражали Дўстлик» орденларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларига доир кўкрак нишонларига нисбатан қўлланилмайди».

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 15 август
№ ЎРҚ—789

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 августдаги ЎРҚ–789-сонли Қонуни билан
**ТАСДИҚЛАНГАН**

## «Имом Бухорий» ордени тўғрисида НИЗОМ

1. «Имом Бухорий» ордени икки даражадан иборат бўлади:

«Олий Даражали Имом Бухорий» ордени;

«Имом Бухорий» ордени.

«Олий Даражали Имом Бухорий» ордени «Имом Бухорий» орденидан юқори даражада ҳисобланади.

2. «Олий Даражали Имом Бухорий» ордени билан илм-фан ва маданият, жумладан, ислом маърифати ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ҳамда илмий меросини ўрганиш ва халқаро майдонда кенг тарғиб қилишда катта ютуқларга эришганлиги учун:

хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари;

хорижий мамлакатлар парламентлари вакиллари;

халқаро ташкилотлар, дипломатик ваколатхоналар, консуллик муассасалари ҳамда уларга тенглаштирилган бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакиллари, шунингдек хорижий арбоблар ва олимлар;

мамлакатимизнинг атоқли давлат ва жамоат арбоблари, диний-ижтимоий соҳадаги раҳбарлар ва етук уламолар, атоқли олимлар, адиблар, педагоглар ва илмий тадқиқотчилар мукофотланади.

3. «Олий Даражали Имом Бухорий» ордени билан:

буюк алломаларимизнинг илмий-маърифий меросини чуқур ўрганиб, уларнинг ислом маънавияти ва фалсафаси ҳамда жаҳон илм-фани тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини халқаро ҳамжамиятга етказишдаги фаол иштироки;

ҳадисшуносликнинг ривожланиши, унинг илмий-маънавий асосларини ҳар томонлама ўрганиш асосида ҳадислардаги эзгу умуминсоний ғояларни халқаро ҳамжамиятга етказишдаги улкан хизматлари;

аждодларимиз қолдирган асарларни таржима, тадқиқ ва таҳлил қилиш орқали улардаги инсонпарварлик, Ватанга муҳаббат ғояларини тарғиб этиш ҳамда жамият маънавий ҳаётининг бугунги кундаги долзарб муаммоларини ҳал этишнинг илмий-маърифий асосларини ишлаб чиқишга қўшган муносиб ҳиссаси;

ислом цивилизацияси ва маданиятига беқиёс ҳисса қўшган алломаларимизнинг яратган асарларининг илмий-изоҳли таржима ва қиёсий матнларини жаҳон жамоатчилигига етказиш ва халқаро миқёсда кенг тарғиб қилишдаги алоҳида хизматлари;

мамлакатимизда ҳамда хорижий давлатларда сақланаётган буюк алломаларимизнинг қўлёзма ва тошбосма асарлари, ислом дини ва маданиятига оид бой ва тарихий меросини тўплаш ва илмий-тадқиқот ишларини олиб боришдаги фаол иштироки;

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатини амалга ошириш, фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатларини ҳимоя қилиш, аҳоли ўртасида динлараро ва конфессиялараро тотувлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлаш, диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларни тарғиб этишдаги кўп йиллик ва фидокорона меҳнати;

миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, миллатлараро дўстлик, ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни комил инсон этиб тарбиялаш, жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашдаги кўп йиллик самарали хизматлари учун мукофотланади.

4. «Имом Бухорий» ордени билан буюк алломаларимизнинг илмий ва диний меросини тадқиқ этиш ҳамда тарғиб қилиш, ислом динининг умуминсоний қадриятлари ва асл моҳиятини мамлакат аҳолиси, айниқса ёшларга етказишдаги хизматлари учун:

илм-фан, таълим-тарбия, маданият, санъат ва адабиёт соҳаси ходимлари;

давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари;

диний уламолар;

олимлар ва тадқиқотчилар мукофотланади.

5. «Имом Бухорий» ордени билан:

улуғ алломаларимиз илмий меросини чуқур ўрганиб, ўсиб келаётган ёш авлодни аждодлар меросига ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги хизматлари;

юксак инсоний ғоялар ва муқаддас қадриятларимизни ўзида ифода этган тарихий меросимизни тизимли асосда тадқиқ этиш, улардан диний таълим, маънавий-ахлоқий тарбия ишларида фойдаланиш мақсадида зарур дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий-амалий тавсиялар тайёрлашдаги самарали меҳнати;

мамлакатимиздаги диний-ижтимоий жараёнлар ҳамда диний бағрикенгликни таъминлаш масалаларини ўрганишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, тарғибот ва ташвиқот тадбирларини ўтказишдаги фаолияти;

«Жаҳолатга қарши маърифат» ғояси асосида ислом динига нисбатан содир этилаётган ғаразли таҳдид ва ҳаракатларнинг олдини олиш, бундай хатарларга қарши курашишнинг илмий-маърифий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётда қўллаш борасидаги хизматлари;

ислом цивилизациясининг умуминсоний қадриятларини, жумладан, халқимиз маънавияти ва маданияти ривожида тутган ўрни ҳамда аҳамиятини ўрганиб, уларнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этишдаги катта хизматлари учун мукофотланади.

6. «Олий Даражали Имом Бухорий» ордени ва «Имом Бухорий» ордени билан бошқа шахслар ҳам илм-маърифатни ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари учун мукофотланиши мумкин.

7. «Олий Даражали Имом Бухорий» ордени ва «Имом Бухорий» ордени билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш, шунингдек уни топшириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

8. «Олий Даражали Имом Бухорий» ордени билан мукофотланган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш баравари миқдоридаги бир марталик пул мукофоти берилади.

9. «Имом Бухорий» ордени билан мукофотланган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдоридаги бир марталик пул мукофоти берилади.

10. «Олий Даражали Имом Бухорий» ордени ва «Имом Бухорий» ордени билан мукофотланган шахслар қонунчиликда белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар.

11. «Олий Даражали Имом Бухорий» ордени тегишли кетма-кетликка риоя этган ҳолда кўкракнинг ўнг томонига ёки орден занжирида тақилади.

12. «Имом Бухорий» ордени кўкракнинг чап томонига ёки бўйинга осиладиган шойи лентада тақилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 августдаги ЎРҚ–789-сонли Қонуни билан
**ТАСДИҚЛАНГАН**

## «Олий Даражали Имом Бухорий» орденининг ТАВСИФИ

«Олий Даражали Имом Бухорий» ордени 750 пробали олтиндан тайёрланади ва иккита қопламали медальондан иборат бўлади.

Биринчи медальон диаметри 87 миллиметрли саккиз қиррали юлдузни ифодалайди. Юлдуз бурчаклари орасида қарама-қарши учлари оралиғи 84 миллиметр бўлган учлари юмалоқланган нур тутамлари жойлашган. Саккиз қиррали юлдузнинг ички қисмида яшил эмаль билан қопланган нақшинкор баргсимон шакллар жойлашган. Саккиз қиррали юлдуз 56 та 2,5 миллиметрли, 8 та 2,6 миллиметрли ва 8 та 1,5 миллиметрли бриллиантлар билан безатилган.

Орденнинг марказида жойлашган иккинчи медальон диаметри 45 миллиметрли арқонсимон нақш билан ҳошияланган доира шаклида бўлади. Доиранинг марказида кўк эмаль фонида очиқ ҳолдаги китоб ва унинг устида нур таратаётган қуёш шакли тасвирланган. Унинг қуйи қисмида ҳарфлари баландлиги 3,1 миллиметрли «ILM – NUR» сўзлари ёзилган.

Иккинчи медальоннинг айланаси бўйлаб оқ эмаль фонида «MUHAMMAD IBN ISMOIL IMOM BUXORIY» ёзуви битилган бўлиб, ёзувлар 2,5 миллиметрли иккита бриллиант билан ажратилган. Ҳарфларнинг баландлиги – 3,5 миллиметр.

Орден иккита маҳкамлагичга эга:

1) гайкага бураб қотириладиган бурама маҳкамлагич;

2) орден занжирига мустаҳкамланадиган ечиладиган қисқич.

Орденнинг орқа томонига 2 миллиметр ўлчамдаги ботиқ шрифт билан мукофот рақами туширилади.

Узунлиги 900 миллиметрли орден занжири 750 пробали олтиндан тайёрланади. Занжир икки турдаги ҳалқаларга бўлинади. Диаметри 32 миллиметр бўлган ҳалқалар орденнинг иккинчи медальони тасвирини ифодалайди, диаметри 30 миллиметр бўлган ҳалқалар Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби шаклида бўлиб, атрофлари 468 та 1,2 миллиметрли бриллиантлар билан безатилган.

Орден занжирининг пастки қисмида ранг-баранг эмаль билан қопланган саккиз қиррали юлдуз ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби шаклидаги ҳалқалар жойлашган.

Занжир 27 та ҳалқалар, шу жумладан илгакдан иборат.

Орденнинг умумий оғирлиги 850 граммдан иборат.



Олд томони



Орқа томони



Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 августдаги ЎРҚ–789-сонли Қонуни билан
**ТАСДИҚЛАНГАН**

## «Имом Бухорий» орденининг ТАВСИФИ

«Имом Бухорий» ордени 0,15 микрон қалинликдаги 750 пробали олтин билан қопланган 925 пробали кумушдан тайёрланади ва иккита қопламали медальондан иборат бўлади.

Биринчи медальон диаметри 42 миллиметрли саккиз қиррали юлдузни ифодалайди. Юлдуз бурчаклари орасида қарама-қарши учлари оралиғи 47 миллиметр бўлган учлари юмалоқланган нур тутамлари жойлашган. Саккиз қиррали юлдузнинг ички қисмида яшил эмаль билан қопланган нақшинкор баргсимон шакллар жойлашган. Саккиз қиррали юлдуз 72 та 2,5 миллиметрли фианит тошлари билан безатилган.

Орденнинг марказида жойлашган иккинчи медальон диаметри 28 миллиметрли арқонсимон нақш билан ҳошияланган доира шаклида бўлади. Доиранинг марказида кўк эмаль фонида очиқ ҳолдаги китоб ва унинг устида нур таратаётган қуёш шакли тасвирланган. Унинг қуйи қисмида ҳарфлари баландлиги 2 миллиметрли «ILM – NUR» сўзлари ёзилган.

Иккинчи медальоннинг айланаси бўйлаб оқ эмаль фонида «MUHAMMAD IBN ISMOIL IMOM BUXORIY» ёзуви битилган. Ҳарфларнинг баландлиги – 2,5 миллиметр.

Орден орқа томонининг қуйи қисмига 2 миллиметр ўлчамдаги ботиқ шрифт билан орден рақами туширилган.

Тасвир ва ёзувлар – бўртма.

Орденнинг умумий оғирлиги 55 граммдан иборат.

Орден эни 24 миллиметрли шойи лента билан қопланган беш қиррали қадағичга илмоқча ва ҳалқача ёрдамида туташтирилган.

Шойи лентанинг ўртасидан ўтган эни 10 миллиметрли яшил рангли йўлнинг икки чети эни 2 миллиметрли иккита оқ рангли чизиқлар билан ҳошияланган, унинг чекка қисмлари бўйлаб эни 5 миллиметр бўлган кўк рангли йўл ўтган.

Қадағичнинг орқа томонида орденни кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама мавжуд.

Олд томони



Орқа томони



## Ўзбекистон — Саудия Арабистони:

# ТАРИХИЙ РИШТАЛАР ТОБОРА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА ВА РИВОЖ ТОПМОҚДА

1

Жорий йил 25-26 июль кунлари Тошкентда бўлиб ўтган “Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий ривожланиш” мавзуига бағишланган халқаро конференцияда Саудия Арабистонининг йирик делегацияси иштирок этгани ҳам минтақалараро боғлиқликни ривожлантиришга бўлган қизиқиши ва садоқатини яна бир бор тасдиқлади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Саудия Арабистони халқаро ҳамда минтақавий ташкилотларда бир-бирини фаол қўллаб-қувватлаб келмоқда. Хусусан, Саудия Арабистони Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд тўғрисидаги резолюция, шунингдек, Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг резолюцияси қабул қилинишини қўллаб-қувватлади. 2019 йилда Подшоҳлик Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилинган “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюциясининг ҳаммуаллифи бўлди, 2020 йилда Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайланиши ҳамда мамлакатимизнинг бошқа муҳим ташаббусларини ёқлаб овоз берди.

Ўзбекистон, ўз навбатида, БМТнинг Аёлларга нисбатан камситишга барҳам бериш бўйича қўмитаси, Ижтимоий-иқтисодий кенгаши, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши, Болалар ҳуқуқлари қўмитаси, Ирқий камситилишга барҳам бериш бўйича қўмитаси, ЮНЕСКО Ижроия кенгаши, Умумжаҳон мерос қўмитаси ва “Ахборот барча учун” дастури Ҳукуматлараро кенгаши аъзолигига Саудия Арабистони номзодини қўллаб-қувватлаган. Бундай муносабат, шунингдек, БМТнинг Универсал даврий ҳисобот механизми доирасида ҳам мавжуд. Саудия Арабистони Ўзбекистон миллий ҳисоботининг қабул қилинишига ўз ҳиссасини қўшди. Мамлакатимиз ҳам Подшоҳлик миллий ҳисоботларини муҳокама қилиш жараёнида уни қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Бундай мазмундаги ўзаро ҳамкорлик бошқа кўпгина халқаро тузилмалар доирасида ҳам ўз ифодасини топаётир.

Икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқалар ҳам жадал тус олганини мамнуният билан қайд этиш керак. “Ўзбекистон — Саудия Арабистони” парламентлараро дўстлик гуруҳининг амалий саъй-ҳаракатлари натижасида ўзаро алоқалар фаоллашиб, уларнинг ҳуқуқий асослари тобора мустаҳкамланяпти.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик масалаларига, ўзаро савдонинг ҳажми ҳамда турларини янада кўпайтиришга, қисқача айтганда, томонлар учун устувор йўналишларда қўшма лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йил 18-19 апрель кунлари Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири бошчилигидаги делегация ташриф билан Саудия Арабистонида бўлди.

Унинг доирасида Саудия Арабистони билан устувор йўналишларда икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича музокаралар ўтказилди.

Хусусан, мамлакатимиз делегациясининг Саудия Арабистони Подшоҳлиги энергетика вазири, шаҳзода Абдулазиз бин Салмон ал-Сауд билан учрашуви чоғида энергетика соҳасидаги Ўзбекистон — Саудия Арабистони муносабатларининг ҳозирги ҳолати, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва бу соҳадаги қўшма инвестиция портфелини кенгайтириш истиқболлари атрофлича муҳокама қилинди. Музокаралар доирасида қайта тикланадиган энергетика жабҳасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштиришнинг муҳим йўналишларига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон делегацияси раҳбарининг Саудия Арабистони Подшоҳлиги инвестициялар вазири Холид ал-Фалиҳ билан бўлиб ўтган учрашувида ҳам икки давлат ўртасидаги инвестиция ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Инвестиция соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун фойдаланилмаган имкониятларни ҳисобга олган ҳолда томонлар кимё, металлургия, тоғ-кон ва тўқимачилик саноати, шунингдек, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда янги лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини муҳокама қилиш баробарида, ушбу лойиҳаларда қатнашиш учун Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ишбилармон доиралари вакилларини жалб этиш юзасидан биргаликда иш олиб боришга келишиб олинди.

Ташриф доирасида Саудия Арабистонининг “Acwa Power” компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абунаён ва “SABIC” нефть-кимё корпорацияси бош директори Юсуф Абдуллоҳ ал-Беньян билан бўлиб ўтган учрашувлар чоғида биргаликда амалга оширилаётган энергетика лойиҳаларининг ҳозирги ҳолати, уларни кенгайтириш имкониятлари, шунингдек, компанияларнинг Ўзбекистондаги инвестиция портфелини кўпайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Саудия Арабистонининг Ўзбекистон иқтисодиёти турли тармоқларига сармоялар киритиши 2017 — 2021 йилларда жадал тус олди ва у ўзаро муносабатларнинг бутун тарихи давомидаги кўрсаткичлардан ортиб кетди. Албатта, ўзаро савдо ҳажмининг натижалари икки томонни ҳам қониқтирмаётгани табиий ҳолдир. Мамлакатларимиз ушбу йўналишдаги устувор мақсадларни белгилаб олган. Коронавирус пандемияси билан боғлиқ глобал вазиятнинг барқарорлашуви Ўзбекистон — Саудия Арабистони савдо алоқалари ҳажмларининг янада ўсишига кўмаклашади.

Саудиялик ишбилармонларнинг Ўзбекистон бозорига инвестиция киритишга бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда Саудия билан ҳамкорликда очилган 38 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 20 таси тўғридан-тўғри саудиялик инвесторлар маблағлари ҳисобидан ташкил этилган бўлса, 18 таси қўшма корхоналар ҳисобланади.

**Саудиялик ишбилармонларнинг Ўзбекистон бозорига инвестиция киритишга бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда Саудия билан ҳамкорликда очилган 38 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 20 таси тўғридан-тўғри саудиялик инвесторлар маблағлари ҳисобидан ташкил этилган бўлса, 18 таси қўшма корхоналар ҳисобланади.**

Жорий йил 23 январь куни Бухоро шаҳрида Саудия Арабистони Подшоҳлиги делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Ўзбекистон — Саудия Арабистони бизнес форуми ва Ўзбекистон — Саудия Арабистони қўшма ишбилармонлар кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Ушбу анжуманларда Саудия Арабистони Инвестициялар вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Саноат ва минерал ресурслар вазирлиги, Савдо-саноат палаталари кенгаши, Марказий банки, Саудия Арабистони экспорт-импорт банки, Саудия Арабистони тараққиёт жамғармаси, “Acwa Power”, “Saudi Aramco”, “Al-Management Bassam Petroleum Equipment”, “Salic”, “Bahri”, “Elm”, “Bait-Al Batterjee”, “Ma’aden” ва “Saudi Airlines” каби 30 га яқин йирик компаниялари раҳбарияти иштирок этди.

Сирдарё вилоятида “Acwa Power” компанияси томонидан қиймати 1,2 миллиард долларлик электростанцияси бунёд этилмоқда. Ушбу компания, шунингдек, Бухоро ва Навоий вилоятларида қиймати 1,3 миллиард долларлик шамол электростанцияларини қуриш бўйича шартномалар имзолаган. Қорақалпоғистонда 100 МВт қувватга эга 108 миллион долларга тенг шамол электр станциясини қуриш бўйича битим тасдиқланган.

Жорий йил 24 — 26 март кунлари пойтахтимизда ўтказилган биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумида Саудия Арабистони инвестициялар вазири Холид ал-Фалиҳ бошчилигидаги делегация қатнашди. Ташриф доирасида Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг 5-йиғилиши, Ишбилармонлар кенгашининг 3-йиғилиши ҳамда икки мамлакат ишбилармонларининг навбатдаги бизнес форуми ўтказилди.

Икки давлат ўртасида транспорт соҳасидаги алоқалар ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Темир йўл, автомобиль ва ҳаво йўллари орқали юк ташувлар бўйича қатор лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, фуқаро авиацияси соҳасидаги ҳамкорлик 2009 йилда имзоланган Ҳаво қатнови тўғрисидаги икки томонлама давлатлараро битим ҳамда авиация маъмуриятлари ўртасидаги келишувлар билан тартибга солинмоқда.

COVID-19 пандемиясига қадар Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасида мунтазам қатновлар “Uzbekistan Airways” АЖ томонидан Тошкент — Жидда — Тошкент йўналиши бўйича ҳафтасига 7 маротаба амалга оширилган. 2022 йил 22 январдан бошлаб мазкур йўналишдаги авиақатновлар қайта тикланди.

2021 йил август ва октябрь ойларида Саудиянинг “FlyNas” авиакомпанияси Ар-Риёд — Тошкент — Ар-Риёд йўналиши бўйича тўғридан-тўғри авиақатновларни амалга оширди. Ҳозирги пайтда томонлар ҳаво қатновларини қайта тиклаш бўйича музокаралар олиб бормоқда.

Мамлакатларимиз маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бугунги кунда маданият, соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим, туризм ва спорт йўналишларидаги ришталар тобора мустаҳкамланиб бораётганини яққол кўриш мумкин.

Икки томонлама муносабатларда Ўзбекистон фуқароларининг муқаддас динимиз амалларини бажариш, табаррук қадамжоларни зиёрат қилиш учун Саудия Арабистонига сафарларини ташкил қилиш алоҳида аҳамият касб этади. COVID-19 пандемияси арафасида — 2019 йили 21,5 мингдан зиёд Ўзбекистон фуқаролари Умра сафарига ва 7 минг 200 нафар юртдошимиз Ҳаж зиёратига борган эди. Саудия Арабистони жорий йил хорижлик зиёратчилар учун Ҳаж сафари квотасини ошириш бўйича қарор қабул қилгани натижасида йил бошидан буён 32 минг нафар ўзбекистонлик Умра ва 12 минг киши Ҳаж сафарини амалга оширди.

Саудиялик шифокорлар кўмагида Фарғона вилоятидаги кўп тармоқли тиббиёт муассасасида 110 нафар беморда бепул юрак жарроҳлиги амалиёти ўтказилди. Мазкур хайрия ишига Ар-Риёддаги Шайх Самир Нажар номидаги вақф жамғармаси ҳомийлик қилди.

2020 йил сентябрь ойида Ар-Риёд шаҳрида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда Саудия электрон университети ўртасида Ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Подшоҳ Абдулазиз университети ҳам ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйган.

2021 йил Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва Подшоҳ Файсал номидаги Ислом тадқиқотлари маркази Ўзаро англашув меморандумини имзолади. Ҳозирги пайтда ҳар икки марказ ўзаро тажриба ва ташрифлар алмашмоқда, қўлёзмаларни ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги ўзаро алоқалар бугун халқаро майдонда ҳам ишончли, муҳим ҳамда узоқ муддатли ҳамкорликнинг яққол намунаси сифатида ўз эътирофини топмоқда.

**Жобир ХЎЖАҚУЛОВ.**
«Дунё» АА



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз биринчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз биринчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Сенат аъзолари, тегишли идора ва ташкилотларнинг вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Сенаторлар томонидан “Имом Бухорий” орденини таъсис этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда яшаб ижод этган илм-фан ва маданият, жумладан, ислом маърифати ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш ҳамда халқаро майдонда кенг тарғиб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, ислом динининг, Қуръони карим ва ҳадис илмининг асл моҳиятини, ҳадисшунослик мактабининг илмий-маънавий асосларини, Имом Бухорий, Имом Термизий сингари юртимиздан етишиб чиққан буюк ҳадисшунос алломалар меросини ҳар томонлама теран ўрганиш, кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш мақсадида Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди, Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидаги Абу Исо Муҳаммад Термизий, Қарши туманидаги Абу Муин Насафий зиёратгоҳлари ва бошқа қадамжоларда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Бу каби хайрли ишлар юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланиб, Президентимиз ташаббуси билан 2017 йилда Тошкент шаҳрида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилди.

Мазкур илмий-тадқиқот марказларида кўплаб олим ва тадқиқотчилар буюк алломаларимиз илмий меросини чуқур ўрганиб, уларнинг ислом маърифати ва жаҳон илм-фани тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини халқаро ҳамжамиятга етказишда, шунингдек, муқаддас ислом дини билан боғлиқ бой меросни илмий тадқиқ этиш, унинг Марказий Осиё цивилизацияси ривожидаги ўрнини инновацион усуллар орқали тарғиб қилиш, Ўзбекистонда юз берган умуммиллий юксалишлар, тарихий ренессансларнинг илдизлари ва мазмун-моҳиятини мамлакат аҳолиси, айниқса, ёшларга етказиш бўйича илмий изланишлар олиб боришмоқда.

Сўзга чиққан сенаторлар фуқароларимизни мамлакатимиздаги илм-фан ва маданият, жумладан, ислом маърифати ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш ҳамда халқаро майдонда кенг тарғиб қилишда катта ютуқларга эришгани учун тақдирлаш мақсадида “Имом Бухорий” орденини таъсис этишни даврнинг ўзи тақозо этаётганини қайд этдилар.

Таъкидланганидек, мазкур орденни таъсис этиш тўғрисидаги қонун билан “Имом Бухорий” орденининг низоми ва унинг тавсифи тасдиқланмоқда. Шунингдек, “Давлат мукофотлари тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

“Имом Бухорий” ордени икки даражадан иборат бўлади: “Олий даражали Имом Бухорий” ордени ҳамда “Имом Бухорий” ордени.“Олий Даражали Имом Бухорий” ордени “Имом Бухорий” орденидан юқори даражада ҳисобланади.

“Олий даражали Имом Бухорий” ордени билан илм-фан ва маданият, жумладан, ислом маърифати ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ҳамда илмий меросини ўрганиш ва халқаро майдонда кенг тарғиб қилишда катта ютуқларга эришганлиги учун:

хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари;

хорижий мамлакатлар парламентлари вакиллари;

халқаро ташкилотлар, дипломатик ваколатхоналар, консуллик муассасалари ҳамда уларга тенглаштирилган бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакиллари, шунингдек хорижий арбоблар ва олимлар;

мамлакатимизнинг атоқли давлат ва жамоат арбоблари, диний-ижтимоий соҳадаги раҳбарлар ва етук уламолар, атоқли олимлар, адиблар, педагоглар ва илмий тадқиқотчилар мукофотланади.

“Имом Бухорий” ордени билан:

улуғ алломаларимиз илмий меросини чуқур ўрганиб, ўсиб келаётган ёш авлодни аждодлар меросига ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги хизматлари;

юксак инсоний ғоялар ва муқаддас қадриятларимизни ўзида ифода этган тарихий меросимизни тизимли асосда тадқиқ этиш, улардан диний таълим, маънавий-ахлоқий тарбия ишларида фойдаланиш мақсадида зарур дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий-амалий тавсиялар тайёрлашдаги самарали меҳнати;

мамлакатимиздаги диний-ижтимоий жараёнлар ҳамда диний бағрикенгликни таъминлаш масалаларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, тарғибот ва ташвиқот тадбирларини ўтказишдаги фаолияти;

“Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида ислом динига нисбатан содир этилаётган ғаразли таҳдид ва ҳаракатларнинг олдини олиш, бундай хатарларга қарши курашишнинг илмий-маърифий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётда қўллаш борасидаги хизматлари;

ислом цивилизациясининг умуминсоний қадриятларини, жумладан, халқимиз маънавияти ва маданияти ривожида тутган ўрни ҳамда аҳамиятини ўрганиб, уларнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этишдаги катта хизматлари учун мукофотланади.

“Олий даражали Имом Бухорий” ордени ва “Имом Бухорий” ордени билан бошқа шахслар ҳам илм-маърифатни ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари учун мукофотланиши мумкин.

“Олий даражали Имом Бухорий” ордени билан мукофотланган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш баравари миқдоридаги бир марталик пул мукофоти, “Имом Бухорий” ордени билан мукофотланган шахслар эса базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдоридаги бир марталик пул мукофоти берилади.

Сенаторлар ушбу орденни таъсис этиш тўғрисидаги қонунни маъқуллади.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз биринчи ялпи мажлиси якунланди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.**

# САУДИЯ АРАБИСТОНИДА «ЎЗБЕКИСТОН — МУТАФАККИРЛАР МАМЛАКАТИ. ИМОМ БУХОРИЙ ВАТАНИГА САЁҲАТ» НОМЛИ КИТОБ НАШР ЭТИЛДИ

Китоб аждодлари асли қўқонлик бўлган, Саудия арабистонилик таниқли ёзувчи Абдулазиз Муҳаммадамин Қосим томонидан ёзилган.

Саудия Арабистонида “Ўзбекистон — мутафаккирлар мамлакати. Имом Бухорий Ватанига саёҳат” номли китоб нашрдан чиқди. Унинг муаллифи Саудия арабистонилик таниқли журналист, ёзувчи, аждодлари асли Фарғона водийсининг Қўқон шаҳридан бўлган Абдулазиз Муҳаммадамин Қосимдир.






У 2019 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ота-боболари юрти — Ўзбекистонга сафар қилиб, мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлган, миллий урф-одатлар билан яқиндан танишиб, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилган.

Абдулазиз Қосимнинг сафари ўша йиллари Ўзбекистоннинг Жидда шаҳридаги Бош консули бўлиб ишлаган Сирожиддин Шамсиддинов ташаббуси ва кўмагида ташкил этилган. Ўзбек дипломати адибни саёҳат таассуротлари ҳақида китоб ёзишга ундаган ва унинг республикамиз бўйлаб саёҳат қилиши учун зарур шароитларни яратишга кўмаклашган.

Натижада Ўзбекистоннинг тарихи, иқтисодиёти, жуғрофий жойлашуви, этнографияси, миллий ўзига хослиги ва миллатлараро муносабатлари, халқаро алоқалари, ўзбек халқининг маданияти, урф-одат ҳамда анъаналари атрофлича ёритилган асар ёзилди. Муаллиф мамлакатимизнинг замонавий тараққиёти, унда ҳукм сураётган тинчлик-тотувлик муҳити, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган тинчликпарварлик ва умуминсоний қадриятларга асосланган ташқи ва ички сиёсат, Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламлиислоҳотларни атрофлича қаламга олган. Ҳар бир бўлим буюк ва машҳур мутафаккирлар, шоирлар, ёзувчилар, журналистлар, жамоат арбоблари ижодидан иқтибослар билан якунланади. Китоб саҳифаларидан Қуръон оятлари ва ҳадислар ҳам ўрин олган.

Муаллиф жаҳон цивилизацияси, жумладан, Ислом олами ривожига беқиёс ҳисса қўшган улуғ аждодларимиз ҳаётини атрофлича тасвирлаб берган.

“Китобни ўқир экансиз, жаҳонга Ислом цивилизациясининг қатор аллома ва намояндаларини тақдим этган, тарихда ўчмас из қолдирган, адоғи йўқ муваффақиятларга эришган, тарихи бугунги кунга қадар муҳрланиб қолган кўҳна бир халқнинг буюк тарихига шоҳид бўласиз. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, биз бу улуғ юртда яшаб ижод қилган, шуҳрати олис-олис уфқларни забт этган алломалардан айримларининг номларини, афсуски, ҳанузгача эшитмаган эканмиз, ҳолбуки Ғарбда бу сиймоларга катта қизиқиш билан қарашмоқда, инсоният маданияти ривожига уларнинг қўшган ҳиссаси ҳамда илм-фан тараққиётига хизмат қилувчи ихтиро ва асарлари эътирофи ўлароқ, юлдуз ва сайёралар уларнинг исми билан аталмоқда”, деб ёзади муаллиф.

Шу билан бирга, китобда мамлакатимиз тарихи, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти йўлида эришилган муваффақиятларига оид муҳим маълумотлар келтирилган.

“Айни замонда ўзбек халқи ўз етакчиси Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида олдинга қараб илдам одимлаб бормоқда. Президент саъй-ҳаракатлари билан мамлакатда дин ва матбуот эркинлигига кенг йўл очилишига эришилди. У халқаро миқёсда ишбилармон-сармоядорларни ўз юртига келишга чорлади, пировард натижада сармоялар киритилиши учун уларга қулай шароитлар, иқтисодий ўсишни таъминловчи катта имтиёзлар тақдим этилмоқда.

Шавкат Мирзиёев мамлакатда коррупцияга қарши аёвсиз кураш эълон қилди. Бундан ташқари, бу азим юртнинг юксак қадри, мақоми ва бир неча юз йиллар мобайнида эришган тарихий-маданий муваффақиятлари, бетакрор Ислом цивилизацияси ёдгорликлари аҳамиятини теран англаш заминида ташқи ва ички сайёҳликка, шунингдек, зиёрат туризмига кенг имкониятлар тақдим этувчи янги дастур ҳам Президент раҳбарлигида ишлаб чиқилди. Ўзбекистон раҳбариятининг бу стратегик режаларга оғишмай риоя этиши самарасида ўзбеклар юртининг цивилизация оламида етакчи мамлакатлар сафидан ўрин эгаллашига ишонаман”.

Муаллиф ўтган аср бошларида катта қийинчиликлар билан бир қанча давлатлар орқали Подшоҳликка келиб, жойлашиб қолган, анъанавий равишда “Бухороликлар” деб аталадиган ватандошларимизнинг бугунги авлодлари ҳақида ҳам сўз юритган.

Абдулазиз Муҳаммадамин Қосим ўз таассуротлари ва ҳикояларини сарҳисоб қилар экан, Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги сиёсий-иқтисодий муносабатларнинг замонавий ривожи, икки давлатнинг турли йўналишлардаги, жумладан, диний-маърифий соҳадаги ҳамкорлиги, ўзбекистонликларнинг Ҳаж ва Умра зиёратлари амалларини бажариш учун яратилган янги имкониятлар ҳақида ҳам тўхталган.

“Хотима ўрнида шуни ишонч билан айтаманки, Ўзбекистонга уюштирган сафарларим давомида бу юртда кўрганларим мен учун Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тутган мавқеи, элининг ҳиммати, ақл-заковати ва улуғвор ўтмиши туфайли илдамлаб бораётган, яқин келажакда улкан шаъну шавкатга сазовор давлат даражасига қадар юксалишини бот-бот таъкидлашим учун асос бўлади”, деб ёзади Абдулазиз Муҳаммадамин Қосим.

Мухтасар айтганда, ушбу китоб Саудия Арабистонидаги йирик ўзбек диаспораси вакилларига ўз аждодлари Ватанининг тарихи ва замонавий ҳаёти билан яқиндан танишиш имкониятини беради, шунингдек, Ўзбекистон ҳамда Саудия Арабистони халқлари ўртасидаги биродарлик ва дўстлик ришталари, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

**«Дунё» АА.**
Ар-Риёд

## Ишчи гуруҳ йиғилиши

# ЭЗГУ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

*Куни кеча “Етакчи аёллар мулоқоти” платформаси аъзоларининг илм-фан йўналиши бўйича навбатдаги ишчи гуруҳ йиғилиши бўлиб ўтди.*

Онлайн тарзда ўтказилган тадбирда юртимизнинг барча ҳудудидан илм-фан йўналиши бўйича вакиллар қатнашди.

Йиғилишда асосий эътибор хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини ошириш, раҳбар аёллар сафини янада кенгайтириш, уларнинг етакчилик кўникмаларини ривожлантириш ҳамда ёш қизларни раҳбарликка тайёрлаш, гендер тенглик муаммоларини ҳал этиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар ва истиқболдаги вазифалар таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, жорий йил сўнгига қадар ҳар бир ҳудуддаги хотин-қизларнинг турли соҳалардаги асосий муаммоларини аниқлаш, имконияти чекланган етакчи хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, гендер тенгсизликни келтириб чиқарадиган гендер стереотиплари ва ноўрин ижтимоий меъёрларга чек қўйилишига ёрдам бериш ҳамда хотин-қизларнинг ҳолатини тубдан яхшилашга кўмаклашиш, давлат органлари учун дастурлар, ҳаракат режалари, тавсияларни ишлаб чиқиш, лидер аёлларни қийнаб келаётган муаммо ва тўсиқларни бартараф қилишни ўзида акс эттирган тадқиқотларни ўтказиш режа қилинган.

Шунингдек, йиғилиш давомида хотин-қизларнинг янгича ёндашув, ғоя ва ташаббуслар билан чиқишларига кўмаклашиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳот ва янгиланишлар, сиёсий жараёнларда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш, мазкур жараёнларда етакчи фаол хотин-қизлар ўрни ва роли юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**«Халқ сўзи».**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ҲАР БИР МАСАЛА ҚИЗҒИН МУҲОКАМАЛАРГА САБАБ БЎЛДИ

*Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг турли жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқди.*



**Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида депутатлар дастлаб “Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилишди.

Мазкур ҳужжатда ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасини тартибга солиш, ушбу йўналишдаги давлат бошқаруви ва назорати, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилмоқда.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг ҳуқуқ-ваколатлари ҳамда мажбуриятлари қонун даражасида мустаҳкамланади. Қишлоқ хўжалигида минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан самарали фойдаланиш белгиланган нормаларга мувофиқ йўлга қўйилади.

“Рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизғин кечди. Ҳужжатда амалдаги қонунчиликка мавжуд бўлмаган тушунчалар киритилмоқда.

Хусусан, рақобатчи хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ишлар ва хизматларни бажаришда рақобатни чеклашга олиб келувчи ҳаракатлар, келишувларнинг олдини олиш ҳамда тақиқлаш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларга давлат кўмагининг мақсад ва йўналишлари, уларни олиш тартиби белгилаб қўйилмоқда.

Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг, депутатларнинг фикр-мулоҳаза ҳамда таклифлари эътиборга олинган ҳолда қонун лойиҳалари қўллаб-қувватланди.

**“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси** аъзолари Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг мақсади иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарларнинг эркин ҳаракатланиши, рақобат муҳитини ҳимоя қилиш ҳамда товар, молиявий ва рақамли бозорларнинг самарали ишлаши учун шароит яратишдан иборат.

Фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан кўплаб асосли таклифларни илгари сурди ва савол-жавоблардан сўнг лойиҳа қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда жорий йил Давлат дастурининг 38-банди ижросини таъминлаш мақсадида “Халқчил давлат” миллий дастури ҳамда уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” лойиҳаси муҳокама қилинди.

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш қамрови ва сифатини ошириш ҳамда такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган ушбу дастур идоравий ҳужжатларни кескин қисқартириб, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтиради.

Кун тартибига киритилган бошқа қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**“Адолат” СДП фракцияси** йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар бозорида контрафакт, қалбакилаштирилган маҳсулотлар учрамоқда. Қолаверса, контрафакт кимёвий воситаларни йўқ қилиш масалалари тартибга солинмаган. Лойиҳада белгиланаётган нормалар соҳа ривожи, ўз ечимини кутаётган масалаларни бартараф этишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ошириш, ташқи бозорга чиқишга кўмаклашувчи рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш кимёвий воситаларни республика ҳудудига олиб кириш ҳамда улардан фойдаланиш устидан назоратни мустаҳкамлашга кўмаклашади. Лойиҳа муҳокамалардан сўнг фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Депутатлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

“Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси **Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** аъзолари томонидан муҳокама этилди.

Хусусан, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 11-моддасига киритилаётган ўзгартишлар ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки юридик шахснинг ўз талабларини исботлаб бериш бўйича имкониятлари давлат органларининг ресурсларига қараганда бирмунча чекланган бўлишини инобатга олиб, маъмурий суд ишларини кўришда суднинг фаол иштироки орқали тарафларнинг тенг имкониятларини таъминлашни йўлга қўйиш назарда тутилмоқда.

Депутатлар ҳужжат юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди, айрим моддаларга яна қўшимча ва тузатишлар киритилиши бўйича ўз таклифларини бериб, қонун лойиҳасини маъқуллади.

Шу билан бирга, йиғилишда “Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Қонунни ишлаб чиқишда пестицидлар ва минерал ўғитларни бошқариш бўйича халқаро кодекслар ҳамда БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг раҳбарий ҳужжатлари, тавсияларидан фойдаланилгани, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини нафақат фойдалилик хусусиятлари, балки уларни сақлаш жойлари, яроқлилик муддатлари, далагача кириб бориш жараёнларини тўлиқ назорат остида тутиш белгиланаётгани қайд этилди.

Муҳокамалардан кейин қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** йиғилишида ҳам “Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама этилди.

Ҳужжат лойиҳасида ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари, кимёвий моддалар, биологик воситалар ҳамда материалларни сақлаш, қўллаш, зарарсизлантириш ва бошқаларга доир масалаларни тартибга солиш назарда тутиляпти.

Лойиҳанинг қабул қилиниши натижасида минерал ўғитлар ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини мамлакат ҳудудига олиб киришдан бошлаб, уларни муомаладан чиқаришгача ҳисобга олиш ва мониторинг қилиш таъминланади ҳамда улардан тўғри фойдаланиш назорат қилинади.

Йиғилишда қонун лойиҳаси юзасидан фракциянинг таклиф ва мулоҳазалари билдирилиб, қўллаб-қувватланди. Шундан сўнг фракция аъзолари томонидан “Рақобат тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама этилиб, кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

Сенатор ва ҳаёт

# ИСЛОҲОТЛАР БОРИШИ ВА ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

*Аввал хабар берилганидек, айни пайтда сенаторлар жойларда бўлиб, турли тадбирларда иштирок этмоқда. Уларда Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган йигирма тўққизинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалалар мазмун-моҳияти ва аҳамияти тушунтирилмоқда, ислоҳотларнинг бориши ҳамда фуқаролар мурожаатлари ўрганилмоқда.*

Хусусан, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Р. Алимов томонидан Андижон вилоятида жисмоний ва юридик шахслар учун сайёр қабул уюштирилди.

Қабул жараёнида 7 та мурожаат мутасаддилар иштирокида атрофлича кўриб чиқилиб, 4 таси жойида ижобий ҳал этилди, биттаси бўйича тушунтириш берилди, яна биттаси ижрога йўналтирилди.

Асака тумани, Хонака маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Н. Абдуқодированинг мурожаати юзасидан ўрганишлар унинг яшаш жойида олиб борилди. Бу жараёнга Асака тумани ҳокимлиги, туман “Сувоқова” бўлими ҳамда йўл қурилиш бўлими раҳбарлари жалб қилинди. Пировардида фуқаронинг мурожаати ижобий ечим топадиган бўлди.

Андижон шаҳар, Ал-Бухорий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро А. Комиловнинг мурожаати бўйича “Андижонавтотеххизмат” МЧЖ раҳбари билан суҳбатлашилди ва фуқарога “Кобальт” автомобилини шартномага асосан вақтида етказиб бериш зарурлиги тушунтирилди.

Ўз навбатида, Избоскан туманида сенатор иштирокида ўтказилган йиғилишда йигирма тўққизинчи ялпи мажлисда кўрилган масалалар мазмун-моҳияти ва аҳамияти очиб берилди.

Сенатор Қ. Турсунов Навоий вилоятининг бир қатор ҳудудларида олиб борган ўрганишлари натижалари маҳаллий Кенгаш депутатлари, котибият мудирлари, маҳалла фаоллари, аҳоли вакиллари иштирокида муҳокама қилинди.

Қолаверса, Сенатнинг йигирма тўққизинчи ялпи мажлисида кўрилган масалалар мазмун-моҳияти батафсил тушунтирилди ва аҳолини ташвишга солаётган муаммоларга ечим изланди. Айни чоғда янги иш ўринлари яратиш бўйича белгиланган вазифалар ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар натижадорлиги ҳам таҳлил қилинди.

Шунингдек, халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг 2022 йил ўтган даврида бажарилган ишлари юзасидан ахбороти тингланди.

Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси Б. Алихонов Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманида бўлиб, йигирма тўққизинчи ялпи мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Унда ялпи мажлисда сенаторлар томонидан маъқулланган “Давлат қарзи тўғрисида”ги қонун хусусида сўз юритилиб, у билан давлат қарзи ва унга хизмат кўрсатиш харажатлари устуворлиги, давлат қарзи чекланган ҳажмлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг давлат қарзини бошқаришдаги ваколатларини белгилаш кўзда тутилганлиги алоҳида айтиб ўтилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонунни ишлаб чиқишда давлат қарзини бошқаришда парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича яхлит тизим яратишга эътибор қаратилган. Давлат қарзи ва давлатнинг шартли мажбуриятлари бўйича хатарларни бошқариш, давлат қарзини бошқариш асосий принциплари, мақсадлари ва стратегияси ҳамда давлат қарзи бўйича мажбуриятлар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши, давлат қарзини барқарор даражада сақлашга қаратилган нормалар аниқ белгилаб берилган.

Бундан ташқари, давлат қарзи тўғрисидаги маълумотлар ва шу билан боғлиқ жараёнлар ҳақида фуқароларимизни тўлиқ хабардор этиш тартиби ҳам қонунда ўз ифодасини топган.

Тадбирда, шунингдек, ялпи мажлисда бир қатор қонунлар рад этилиши сабабларига ҳам изоҳ бериб ўтилди. Оролбўйи минтақасида экологик барқарорликни таъминлаш ҳамда замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ қилиш бўйича белгиланган вазифалар ижроси юзасидан Ҳукуматга парламент сўрови юборилгани маълум қилинди.

Сенатор Гулнора Маъруфова Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри ва Миришкор туманида ўрганишлар олиб борди.

Унинг натижалари юзасидан ташкил этилган йиғилишда иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, ёш авлод таълим-тарбиясига янада жиддий эътибор қаратиш каби долзарб масалалар хусусида сўз юритилди.

Сўнгра сенатор Қарши шаҳри ва Миришкор туманида хотин-қизлар мурожаатларини ўрганиш мақсадида сайёр қабул ўтказди.

Қабул жараёнида Сенатга мурожаат қилган хотин-қизларнинг уй-жой, иш билан таъминлаш, фарзандини “ёшлар дафтари”га киритиш масалалари бўйича мурожаатлари масъуллар иштирокида ўрганилиб, барчаси жойида ижобий ҳал этилди.

Сенатор аҳоли мурожаатлари билан ишлаш борасида депутатлар ўз ваколатлари доирасида ҳудудлардаги муаммоларни кўтариб чиқиши, ечим топишда кўмакдош бўлиши зарурлиги юзасидан тўхталди. Жумладан, “Кўпгина масалалар депутат аралашуви билан ҳал бўлади. Мурожаатчилар ҳоким қабулига боришини кутиб ўтириш шарт эмас”, деди у.

**«Халқ сўзи».**

# ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ТИЗИМИДА ТУБ ЎЗГАРИШЛАР

*Давлат органларининг самарали фаолиятини малакали, ташаббускор ва халқпарвар давлат хизматчиларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида юксак малакали кадрлар муҳим ўрин тутади.*

## Фикр

Кейинги йилларда мамлакатимизда профессионал, чуқур билимга эга, замонавий фикрлайдиган ва ватанпарварлик руҳида тарбияланган янги авлод кадрларини шакллантиришга катта эътибор қаратилаётгани боиси ҳам шунда. Чунки юқори малакали кадрлар мамлакат тараққиётини таъминлайди, катта ўзгаришлар, янгиликлар қилишга қодир бўлади.

Давлат хизматини ислоҳ қилиш ва бошқарувда натижадорликни ошириш чора-тадбирлари юзасидан шу йил 4 август куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонунда назарда тутилган талаблардан келиб чиқиб, давлат идоралари олдида турган устувор вазифалар муҳокама қилинган эди.

Орадан тўрт кун ўтиб, Президентимиз ушбу қонунни имзолади. Мазкур ҳужжатда давлат фуқаролик хизматига кириш, бу хизматни ўташ, хизматдаги чекловлар, мажбуриятлар, ҳуқуқлар, ижтимоий таъминот масалалари ўз ифодасини топган.

Қонун давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқий мақоми, лавозимлар тоифалари ва малака даражаларини, давлат фуқаролик хизматига кириш, ўташ ва тугатиш жараёнларининг ягона тартиботини, кадрларнинг касбий-маънавий фазилатлари ва алоҳида хизматларнинг объектив ҳамда адолатли баҳолаш асосида хизмат поғоналари бўйича ўсиш кафолатларини, умуман, ягона давлат фуқаролик хизматининг ташкилий-ҳуқуқий механизмини тартибга солади.

10 та боб ва 64 та моддани қамраб олган қонунда давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, одоб-ахлоқ қоидалари каби тушунчалар ҳам белгиланган. У Ўзбекистонда ижро ҳокимияти функцияларини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотларидаги 118 мингдан ортиқ давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолияти билан боғлиқ барча муносабатларни ягона қоидалар асосида тартибга солади.

Ҳужжатга биноан давлат хизматчиси тадбиркорлик билан шуғулланиши, уларнинг муассиси бўлиши, Ўзбекистондан ташқарида ҳисобварақлар очиши, чет элда кўчмас мулк олиши тақиқланади. Қонунда давлат хизматчилари учун 5 кунлик иш ҳафтаси ва ҳафтасига 40 соатдан ошмайдиган иш давомийлиги белгиланди.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, қонунни ишлаб чиқишда халқаро тажрибалар ўрганилди. Жумладан, Япония, Буюк Британия, АҚШ каби давлатлар тажрибаси мутахассислар томонидан синчиклаб ўрганилди. Бу жараёнга хорижлик экспертларнинг иштирок этгани эса унинг холислигини таъминлади.

Мазкур қонунда давлат органларида фуқаролик хизматини ўташ тартиби, ушбу соҳадаги давлат бошқаруви, давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми ҳам белгиланган. Хусусан, давлат хизматига давлат тилини биладиган, тегишли малака талабларига жавоб берадиган Ўзбекистон фуқаролари қабул қилинади.

Қонунга кўра, давлат хизматчиси ўзаро яқин қариндошликда ёки қуда томондан қариндош бўлган шахсларнинг айнан битта давлат органи ва ташкилотида бирга хизмат қилиши мумкин эмас. Уларнинг педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият турлари билан, қолаверса, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

Шу билан бирга, эндиликда давлат фуқаролик хизмати татбиқ этиладиган барча вазирлик ва идораларда ходимларни ишга қабул қилиш, фаолияти самарадорлигини баҳолаш, уларни хизмат поғоналарида ўстириш, рағбатлантириш ёки интизомий жазолаш ва хизматни тугатиш масалаларида ҳар хил ёндашувларга барҳам берилади.

Умуман олганда, ушбу ҳужжат давлат хизматида узоқ йиллардан буён ўз ечимини топмаган тизимли муаммоларни ҳал қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Шу нуқтаи назардан, биз депутатлар жойларда мазкур қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишимиз лозим.

**Ботирбек ТЎРАЗОДА,**
**Олий Мажлис**
**Қонунчилик палатаси депутати.**

# КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ ҚАНДАЙ КЕЧМОҚДА?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг шу йил 12 август куни навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси якунлари асосида қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.*

## Эътироф

Бу ҳақда “Халқ сўзи” газетасининг 13 август сонида батафсил ахборот эълон қилинди. Ушбуларга қўшимча равишда шуни айтиш мумкинки, мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Конституциявий комиссия раиси Акмал Саидов сўзга чиқиб, қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот берди.

— Ҳозирги кунда конституциявий ислоҳотларнинг масъул палласига кирдик, — деди у. — Мамлакат миқёсида жуда катта ишлар олиб бориляпти. Айни вақтда конституциявий ислоҳотларнинг иккинчи босқичига қадам қўйдик. Биринчи босқич 62 мингдан ортиқ таклифлар асосида тайёрланган ва ҳозирги кунда умумхалқ муҳокамаси якунланган Конституциявий қонун лойиҳасини тайёрлаш босқичи бўлса, иккинчиси — умумхалқ муҳокамаси босқичидир.

Таклифларни олиш шу йил 31 июль куни тугади. Бугунги кунда фуқароларимиздан келиб тушган 150 мингдан ортиқ таклифларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва Конституциявий қонун лойиҳасига киритиш устида иш кетяпти.

Кейинги вақтда Қонунчилик палатасига ташриф буюрган ҳар бир хорижий делегация аъзоларини Таклифлар билан ишлаш гуруҳи, Конституциявий комиссия матбуот хизмати ходимларининг олдига олиб кириб, суҳбат уюштиряпмиз. Улар қуйи палатада яратилган шароитлар билан танишиб, конституциявий ислоҳот жараёнида қандай иш олиб борилаётганини амалда кўришмоқда. Ўз навбатида, дунёдаги конституциявий ислоҳотлар тажрибасида Ўзбекистон яратган тизимга ўхшаган халқ билан бирга кенг муҳокама қилиш тизимини кўрмаганини айтишмоқда.

Худди шу тажрибамиз ҳақида Женевадаги 30 дан ортиқ халқаро ташкилотлар вакиллари, Нью-Йоркда эса Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қароргоҳида 40 дан зиёд давлатларнинг доимий вакиллари ва бошқа халқаро ташкилотлар юқори мансабли шахсларининг олдида ҳам айтиб бердик. Халқаро ҳамжамият вакиллари Ўзбекистон конституциявий ислоҳотнинг ўзига хос моделини яратиш учун бетакрор тажриба тўплаганини эътироф этишди. Асосийси, мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотларни юқори баҳолаб, бу борада Ўзбекистоннинг тутган йўлини тўлиқ қўллаб-қувватлашди.

Конституциявий қонун лойиҳаси бугунги кунга қадар 10 га яқин миллий экспертизалардан ўтказилди. Қолаверса, халқаро даражада ҳам экспертизалар ўтказиляпти. Масалан, яқинда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Бош комиссари томонидан жуда мазмунли, қўллаб-қувватланадиган таклифлар келиб тушди.

Шу билан бирга, Тошкентда БМТнинг доимий мувофиқлаштирувчиси, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО каби халқаро ташкилотлар вакиллари билан 3 та халқаро жамоатчилик маслаҳатлашуви ўтказдик. Дунё Конституцияларида бола ҳуқуқлари, хотин-қизлар ва ногиронлар ҳуқуқлари қандай мустаҳкамлангани ва бу борадаги хорижий тажрибаларнинг биз эълон қилган Конституциявий қонун лойиҳасидаги қоидалар билан қиёсий таҳлил қилинди.

Халқаро ҳамкорларимиз Ўзбекистонда конституциявий ислоҳот борасида жуда илғор қадамлар қўйилаётганини таъкидладилар. Лойиҳанинг сифати ва даражаси ҳозирги кундаги жаҳон конституциявий тараққиётининг тенденцияларига тўла мос келишини эътироф этиб, бир қатор амалий таклифлар бердилар.

Шуни алоҳида айтиш кераккки, бугун хорижий давлатларда ҳам Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотларга қизиқиш ниҳоятда катта. Хусусан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Польша ташқи ишлар вазири Збигнев Рау Ўзбекистондаги конституциявий ислоҳотлар ўз вақтида ўтказилаётганини билдирди.

Бугунги кунга қадар Конституциявий қонун лойиҳаси мазмуни ва моҳиятини тушунтиришга бағишлаб халқаро ташкилотлар даражасида 11 та, хорижий давлатларда 9 та тадбир ўтказилди. Шу ўринда халқаро даражада бўлиб ўтган мулоқотларда билдирилган бир иккита фикрга тўхталмоқчиман.

Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг биринчи ўринбосари Амина Муҳаммад мамлакатимизда халқнинг фаол иштирокида амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотни олқишлаб, сўнгги йилларда аёллар ва ёшлар ҳуқуқларини мустаҳкамлаш бўйича Ўзбекистон чемпион эканини қайд этди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси раиси А. Шаҳид эса Ўзбекистон БМТ Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш борасида ривожланаётган мамлакатлардан олдинда бораётганини таъкидлади. Конституциявий ислоҳотнинг мазмун-моҳиятига тўхталар экан, А. Шаҳид Ўзбекистон Бош Қомусига таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар Барқарор тараққиёт мақсадлари билан ҳамоҳанг бўлган қатор муҳим вазифалар устуворлигини белгилаб берганини юксак баҳолади.

ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИҲБ) директори Маттео Мекаччи “Ўзбекистон Президентининг иккита ташаббуси, яъни Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига чиқарилиши ва референдум орқали қабул қилиниши жаҳон ҳамжамияти томонидан қўйиладиган энг демократик талабларга жавоб берадиган ташаббуслардир. Буни биз тўла қўллаб-қувватлаймиз”, деган фикрларни айтди.

Умуман олганда, халқаро ҳамжамиятнинг Ўзбекистондаги конституциявий ислоҳотларга муносабати, бу борада тайёрлаган лойиҳамизни қўллаб-қувватлаши биз учун ҳам ғурур, ҳам катта кўмак, десак, муболаға бўлмайди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон айни соҳада ҳам энг тўғри йўлдан бораётганидан далолатдир.

*Шунингдек, мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ҳам Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси якунлари асосида қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан ўз нуқтаи назарларини билдирди.*

Хусусан, **ЎзЛиДеП фракцияси** аъзоларининг айтишича, Асосий Қонунимизга киритиш таклиф этилаётган ўзгартишлар ҳаётнинг барча соҳасини қамраб олган. Хусусан, қонун лойиҳасида фуқароларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг дахлсизлигини кафолатлаш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, муҳтож тоифаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича давлатнинг мажбуриятлари мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Фракция аъзоларининг фикрича, жорий этиладиган ўзгартишлар давлат билан халқ ўртасидаги ўзаро муносабатларни янги поғонага кўтаради.

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси** томонидан конституциявий ислоҳотлар янги Ўзбекистон руҳига мос ва мамлакатнинг замонавий, дунёда рақобатбардош давлатга айланиш йўлидаги ғоят муҳим ҳаракат эканлиги қайд этилди. Зеро, ҳуқуқий тизимимизни актуал дунёга мослаштириб олиш шакли ғоят бир муҳим ислоҳот эканлигини, авваламбор, халқимизнинг ўзи англаб етгани айнан муҳокамалар жараёнида яққол кўринди. Аҳолининг ниҳоятда фаоллиги, конституциявий ислоҳотларга ўз таклифлари билан иштирок этиши, албатта, ижобий ҳолатдир.

**“Адолат” СДП фракцияси** аъзолари яқинда бўлиб ўтган фракция йиғилишида қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси якунлари кўриб чиқилгани ва унда одил судлов тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ таклифларга алоҳида эътибор қаратилганига урғу берди.

Конституцияда одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилишини белгилаш тўғрисида билдирилган таклиф ўринли ва айни дамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига хизмат қилади.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** аъзолари конституциявий ислоҳотларнинг ижтимоий йўналтирилганини алоҳида эътироф этишди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳамда партия сиёсий мафкурасининг негизини ташкил қиладиган ғоялар кафолатланишига қаратилган 40 га яқин таклифлар Конституциявий қонун лойиҳасида ўз ифодасини топмоқда.

Шу билан бирга, фуқароларнинг Конституцияга киритиб бўлмайдиган таклифлари ва мулоҳазаларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Улар бошқа қонунларни такомиллаштиришга, давлат идораларининг фаолиятини яхшилашга, айрим муаммоларни самарали ҳал этишга хизмат қилиши мумкин.

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** аъзоларининг фикрича, Бош қомусимизга экология ва атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларни сўнгги йилларда мамлакатимизда мазкур соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалий ечими сифатида кўриш мумкин.

Умумхалқ муҳокамасидан ўтказилган Конституциявий қонун лойиҳасининг алоҳида бобида экологик ҳуқуқларнинг киритилиши бевосита инсонларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

**«Халқ сўзи».**

# ҲАЁТБАХШ ТАШАББУСЛАР, САМИМИЙ МУЛОҚОТ ВА УНУТИЛМАС ВОҚЕАЛАР





*Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз вилоятларида бўлганида халқ билан очиқ мулоқот қилиб, ҳудудларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг бориши ва аҳоли яшаш шароитларига алоҳида эътибор қаратади.*

*Ташриф давомида Президент Шавкат Мирзиёев бугунги кунда олиб борилаётган туб ислоҳотлардан одамларимиз розими, уларнинг турмуш тарзи, кайфияти қандай, режалаштирилган йирик лойиҳалар ўз вақтида ижро этиляптими, деган саволларга жавоб топиш билан бирга, янги Ўзбекистон тараққиётини янада тезлаштириш учун яна нималар қилиш кераклиги ҳақида янги-янги ташаббусларни илгари суради.*

*Бу мақсадларга эришиш учун кенг жамоатчилик вакилларини, мутасаддиларни, ёшларни бир мушт бўлиб ҳаракат қилишга даъват этади.*

## Президент ташрифидан сўнг

2022 йил, 12 август. Худди мана шу кун ҳам давлатимиз раҳбари ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёни, аҳоли турмуш тарзи ҳамда саноат лойиҳалари билан танишиш учун Бекобод шаҳрига ташриф буюрди ва мазкур сана тарихга муҳрланди, десак, асло муболаға бўлмайди. Боиси ташриф давомида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича кўплаб ғоя ва ташаббуслар ўртага ташланиб, уларнинг ижросига ҳам киришилди.

Таъкидлаш жоизки, Тошкент вилоятида нафақат ҳудуд, балки мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муносиб улуш қўшаётган корхоналар талайгина. Ўзбекистон металлургия комбинати, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Тошкент металлургия корхонаси каби йирик ишлаб чиқарувчилар шулар жумласидан. Улар олтин, мис, қора ва рангли металл, қурилиш индустрияси учун зарур бўлган темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан ўзига хос мавқега эга.

Хорижий сармоядорлар иштирокидаги янги-янги лойиҳаларни амалга ошириш орқали маҳаллий аҳолини, ёшларни иш билан таъминлаш баробарида, захира даромад манбаини кўпайтириш эвазига "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари ижросида ҳам муносиб иштирок этаётир. Натижада аҳоли турмуш маданияти юксалиб, ишсизликка босқичма-босқич барҳам беріляпти. Замонавий таълим муассасалари, кутубхоналар, маҳалла гузарлари, спорт мажмуалари қад ростлаяпти.

Ушбу санада давлатимиз раҳбари раислигида Ўзбекистон металлургия комбинатида соҳани янада ривожлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Президентимиз бугунги шароитда фақат ўз металлургия саноатимизни жадал ривожлантириш орқали мақсадга эришиш мумкинлигини таъкидлаб, бу борадаги тўртта асосий вазифани кўрсатиб ўтди.

Яъни биринчиси — металл ишлаб чиқарувчи корхоналарни хомашё билан кафолатли таъминлаш. Иккинчиси — барча ҳудудда металл ишлаб чиқарувчи корхоналар очилишини қўллаб-қувватлаш. Учинчиси — юқори қўшилган қиймат яратадиган саноат тармоқлари учун замонавий металл конструкциялар ишлаб чиқариш. Тўртинчиси — малакали кадрлар тайёрлаш, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш.

Бир пайтлар мамлакатимиз қора металлургиясининг ягона жиловдори бўлган ушбу комбинат бугунги кунда ҳам йирик саноат корхонаси ҳисобланади. Унинг таркибида фаолият юритаётган ўнлаб корхона ҳамда цехлар мавжуд. Бу ерда турли миллат вакилларидан иборат 11 мингдан ортиқ ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимлар меҳнат қилаётир. Узлуксиз ишлаш тизимига ўтказилган корхона нафақат Тошкент вилояти, балки бутун мамлакатимиз, қолаверса, кўплаб хорижий давлатларда ҳам ўз салоҳияти билан ажралиб туради.

Кейинги беш йилликдаги ислоҳотлар туфайли айнан "Ўзметкомбинат" АЖ жамоаси бир қанча ютуқларни қўлга киритди. Давлатимиз раҳбари илгари сурган Маҳаллийлаштириш дастури доирасида истиқболли лойиҳаларнинг амалга оширилиши ва соҳага илғор технологиялар татбиқ этилиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, маҳсулот тури ҳамда сифати ҳам янгиланди.

Барчамизга яхши аёнки, бугун замон талаби кун сайин ўзгаряпти. Четдан зарур хомашё келтиришдаги айрим тўсиқлар, логистика хизматларида юзага келаётган турли муаммолар, маҳаллий хомашёга эҳтиёжни юзага келтирмоқда. Жаҳон бозорида қора металлга бўлган талабнинг кескин ошаётгани эса мамлакатимиз металлургия саноатини янада юксалтиришни, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишни тақозо қилаётир. Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг жаҳон бозорида муносиб баҳоланишига эришиш барча оғир саноатчилар қатори "Ўзметкомбинат" АЖ жамоаси зиммасига ҳам янада кўпроқ масъулият юклайди.

Давлатимиз раҳбарининг Бекободга ташрифи жараёнида масаланинг ана шу нозик жиҳатлари ҳам тўлиқ қамраб олинди. Самимий суҳбатлар жараёнида мамлакатимиз ҳудудларидаги тадбиркорларни эркин ишлаш, илғор технологиялар ва хорижий сармоя киритиш кўламини янада кенгайтириш, имкониятларни кўпайтиришга чақирди.

Ҳокимлар, кон-металлургия комбинатлари жамоалари, тадбиркорлар, ёшлар ҳамда хорижий ҳамкорлар иштирок этган мулоқотларда янги-янги ҳаётбахш таклифлар илгари сурилди. Энг муҳими, соҳада таълим ва илм-фанни ривожлантириш учун "Ўзметкомбинат"да Металлургия илмий марказини ташкил этиш, Геология фанлари университетида қора металлар илмий лабораторияси, Навоий давлат train кончилик ва технологиялар ҳамда Тошкент давлат техника университетлари қошида технопарклар очиш таклифи билдирилди ва бу қўллаб-қувватланди. Шунингдек, нуфузли хорижий компаниялар ва инжиниринг марказларида ёш мутахассислар малакасини ошириш зарурлиги уқтирилди.

Албатта, ташриф давомида берилган вазифаларнинг қатъий ижроси келгусида фақат ва фақат мамлакатимиз ривожи, халқимиз фаровонлиги, ёшлар камолоти ва эртанги порлоқ кунни яратишга хизмат қилади.

*Хўш, тарихий ташрифдан сўнг бекободликларнинг, тадбиркорлар, умуман, кенг жамоатчилик вакилларининг кайфияти қандай? Уларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.*

**Рашид ПИРМАТОВ, «Ўзметкомбинат» АЖ бошқаруви раиси — Бош директор:**



— Республикамиз иқтисодий-ижтимоий муҳитида корхонамизнинг ўз ўрни борлиги билан фахрланамиз. Бевосита давлатимиз раҳбарининг корхона фаолиятини ривожлантиришга бўлган эътибори туфайли кейинги йилларда бир қанча инвестиция лойиҳалари илгари сурилиб, янги цехлар фойдаланишга топширилди, мавжудлари модернизация қилинди.

Шулардан бири — Навли прокат цехида янги қувватнинг ишга тушишидир. Ушбу лойиҳа Россиянинг "ИНЖМЕТ" компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилди. Умумий қиймати 4,8 млн. доллар бўлиб, ўзини ўзи қоплаш муддати уч йилни ташкил этади.

Эътиборлиси, мазкур цехда ўрнатилган термомустаҳкамлаш линияси жорий йилнинг февраль ойида дастлабки маҳсулот бера бошлади. Энди йилига 500 минг тонна, импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортга йўналтирилган, маҳсулот таннархи арзонлашган, мустаҳкамлиги А500-А800 синфига мансуб бўлган арматура ишлаб чиқариш қувватига эгамиз.

Давлатимиз раҳбари комбинатимизга ташрифи чоғида ушбу янги линия иш фаолияти билан танишиб, унинг иқтисодий самарадорлиги билан қизиқди. Корхонамиз жамоаси кўзланган натижага эришгани, маҳсулотни жаҳон бозорида сотиш, жумладан, Европага экспорт қилиш учун халқаро стандартга мансуб сертификатни олишга муваффақ бўлганидан мамнунлигини билдирди.

Иккинчи лойиҳамиз — Қуюв прокат мажмуаси бўлиб, яқин келажакда 672 млн. евролик ушбу лойиҳа туфайли йилига 1 млн. тонна пўлат листлар ишлаб чиқарилади. Бунинг натижасида корхона қувватини икки бараварга ошириш имкониятига эга бўламиз. Ҳозирги кунда Италиянинг "Danieli" компанияси жалб этилган ушбу бунёдкорлик жараёнида ишлар қизғин кетяпти. Мажмуа таркибидаги темир йўл ҳамда автомобиль йўли қурилиши якунланиб, темир-бетон конструкциялари ўрнатилмоқда.

**Азизжон ҒОЙИБОВ, «Ўзметкомбинат» АЖ пўлат эритиш цехи ишчиси:**



— Комбинатга ишга киришим, катта бир меҳнат жамоасининг вакилига айланишим ҳаётимда туб бурилиш ясади, десам, адашмайман. Шу корхона жамоасининг тавсияси билан Тошкент давлат техника университети талабалигига қабул қилиндим. Ҳозир сиртқи таълимда таҳсил оляпман.

Кейинги йилларда ёшларга берилаётган юксак эътибор туфайли мен каби тенгдошларим ҳам ишлаб, ҳам билим олиш имконига эга бўлишди. Бу ғамхўрлик учун жуда миннатдормиз.

Давлатимиз раҳбари билан бўлган суҳбатда ёшларга имконият эшиклари доимо очиқлиги яна бир бор таъкидланди. Албатта, бу бизга катта мотивация, куч-қувват ва шижоат беради.

Мулоқот чоғида соҳамизга муҳандис-техник ходимлар тайёрлашга йўналтирилган олий таълим даргоҳларининг магистратура босқичида сиртқи таълимни йўлга қўйиш зарурлиги таклифини билдирдим. Ёшлар номидан айтилган бу фикрлар ижобий ҳал қилинадиган бўлди. Чунки мен каби таҳсилни магистратурада давом эттириш истагидаги ёшлар жуда кўп.

**Рагип ҲАСАНБЕЙ ўғли, Туркиянинг «Renaissance Heavy Industries» компанияси лойиҳа раҳбари:**



— Лойиҳамиз 2023 йил охиригача ишга тушади. Бугунга қадар режадаги дастлабки ишлар бажарилаётир. Металл каркаслар ўрнатиш ва бетонлаштириш жараёни жадал кечмоқда.

Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳити барқарорлашиб бораётгани иқтисодий тармоқлар ривожига бевосита ёрдам бермоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бекобод шаҳрига ташрифи асносидаги самимий суҳбат учун миннатдорман.

Бизнинг лойиҳамиз тақдимотида очиқланган барча имкониятимиз тўлиқ муваффақият билан якун топишига аминмиз. Чунки Президентнинг ушбу лойиҳага катта қизиқиш билан қараб, уни муваффақиятли амлга ошириш учун яна қандай ёрдам кераклигини сўрагани бизни бағоят мамнун этди.

**Олтиной ҚОРАБОЕВА, «Ўзметкомбинат» АЖ цех оператори:**



— Президентимизнинг ташрифи жамоадошларим қатори мени ҳам ниҳоятда руҳлантириб юборди. У кишидаги самимийлик, меҳнат кишисига бўлган эъзоз-эътибордан бошимиз осмонга етди.

Кейинги йилларда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни юксалиб бораётгани амалга оширилаётган ислоҳотлар мевасидир. Комбинатдаги меҳнат фаолиятимга 25 йил тўлди. Шу давр мобайнида бугунгидек қулай иш шароити, моддий-маънавий манфаатдорликни сезмагандим.

Айниқса, хорижлик ҳамкорлар билан уддаланаётган лойиҳалар туфайли унумли технологияларнинг жорий қилиниши маҳсулот турларининг кўпайиши, аҳолини иш билан таъминлашда, комбинат ишчи-хизматчилари турмуш шароитининг яхшиланиб бораётганида ҳам акс этмоқда.

Давлатимиз раҳбари билан бўлган учрашувда бугунги ҳаётимиздаги айрим муаммолар ечими кўрсатиб берилди. Металлургия саноатини юксалтириш, жумладан, "Ўзметкомбинат" АЖ фаолиятини янада ривожлантириш йўллари белгиланиб, тегишли соҳа вакилларига масъулиятли вазифалар юкланди. Улар ечими, албатта, корхонамизнинг яқин келажакдаги истиқболида кўзга ташланади. Бу борадаги ишларнинг фаол иштирокчиси бўламиз.

**Гулзира ШАРИПОВА, халқ депутатлари Бекобод шаҳар Кенгаши депутати:**



— Юртбошимизнинг шаҳар фаоллари, сектор раҳбарлари, депутатлар, нуронийлар, маҳалла раислари билан учрашуви ниҳоятда сермазмун кечди. Барча соҳадаги ўзгаришлар, аҳолининг яшаш шароити, турмуш маданияти, бугунги кундан розилиги, келажакка интилишлари акс этган бу мулоқотни бекободликлар йиллар давомида эслаб юради, деб ишонаман.

Чунки давлатимиз раҳбари барча билан самимий сўрашиб, илтифот кўрсатди. Камтарлик ва эл-юрт дарду ташвиши уфуриб турган савол-жавоблар орқали одамлар ҳаётидаги барча муаммо ҳамда камчиликларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб берилди.

Ёш оилалар ўртасида ажримларни камайтириш, жиноят содир этилишининг олдини олиш, маҳаллаларда нуронийлар, фаол аёллар билан ишлаш тизимини тўлиқ шакллантириш борасида таклиф ва мулоҳазаларини ўртага ташлади.

Бекободликларни йиллар давомида қийнаб келаётган муаммолар бугунги янги Ўзбекистон шароитида иш бошлаган маҳалла раислари, фаоллар, ҳоким ёрдамчилари, профилактика инспекторлари иштирокида қандай ҳал этилаётгани билан қизиқди.

Ўйлайманки, ушбу тарихий ташрифда кўрсатиб ўтилган вазифалар муаммолар ечимида қўл келиши баробарида, ҳудудни комплекс ривожлантиришга хизмат қилади. Биз эса муаммолар ечимида камарбаста бўлишга тайёрмиз.

**Ренато ПЕЦЦАНО, Италиянинг «Danieli» компанияси вице-президенти:**

— Компаниямиз пўлат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ускуналар ва технологиялари билан ном қозонган. Унинг йиллик даромади 3 миллиард долларини ташкил этади. Дунё мамлакатлари бўйлаб жойлашган корхоналаримизда 9 минг нафар киши меҳнат қилади.



"Ўзметкомбинат" АЖни Марказий Осиёдаги энг йирик корхоналардан бири сифатида танийммиз. Унинг салоҳияти ҳамда келажаги барқарорлиги туфайли қатор йиллардан буён ўзаро ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Яна бир сабаб шуки, юртингизда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан хорижий сармоядорлар учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилгани айни муддао бўлди. Тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилаётгани боис иқтисодиёт тармоқлари ривож топяпти, янги корхоналар иш бошлаётир.

Масалан, Тошкент металлургия корхонасида ҳам йирик лойиҳамиз ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мақсадимиз хомашёни эмас, балки тайёр ҳамда яримтайёр маҳсулот экспортини йўлга қўйиб, даромад ҳажмини кўпайтиришдан иборатдир. "Ўзметкомбинат"даги Қуюв прокат мажмуасининг бунёд этилишида ҳам шундай унумли манфаатлар кўзда тутилган.

*Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг Тошкент вилоятининг чекка саноат ҳудудига қилган ташрифи тарихий воқеликларга бой бўлди.*

*Саноатда, айниқса, металлургия соҳасида илм-фан ютуқларидан ўринли фойдаланиш, ишлаб чиқариш корхоналари самарадорлигини таъминлаш, жойларда маҳалла ва гузарларни янада обод қилиш, маҳаллабай, хонадонбай ишлаш тизимида тўлиқ муваффақиятга эришиш янги Ўзбекистон тараққиётидаги ўзига хос мезон эканлиги кўрсатиб берилди.*

*Халқ билан қилинган самимий суҳбатлар, илгари сурилган ташаббуслар эса, албатта, келгусида янги-янги корхоналар барпо бўлиши, ёшлар бандлиги, аҳоли турмуш фаровонлигини, умуман, инсон қадр-қимматини амалда янада кенг ифода эттиришда туртки бўлиши, шубҳасиз.*

**Шодиёр МУТАҲАРОВ («Халқ сўзи»).**

# «ЁШЛАР ТУРИЗМИ» ҚУРУЛТОЙИ соҳани ривожлантириш йўлидаги амалий қадам

*Мамлакатимизда ички туризмни ривожлантиришга эътибор йилдан-йилга ошиб бормоқда. Юртимизнинг диққатга сазовор ва тарихий жойлари билан халқимизни яқиндан таништиришда соҳа вакиллари ҳам астойдил ҳаракат қилишмоқда.*

## Тадбир

Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги томонидан 8 — 12 август кунлари Шаҳрисабз туманидаги "Лочин" оромгоҳида ўтказилган "Ёшлар туризми" қурултойи ана шу саъй-ҳаракатларнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Хўш, Шаҳрисабзда бўлиб ўтган анжуман ёшларда қандай таассурот қолдирди, улар ҳаётида қандай янгиланиш ва янгича дунёқарашни юзага келтирди?

Бу ҳақда гап кетганда, анжуманда тенгдошлари билан бирга, "ёшлар дафтари"да қайд этилган, кам таъминланган, кам даромадли оилалар фарзандлари ҳамда ногиронлиги бўлган ўғил-қизлар ҳам қатнашганини таъкидлаш жоиз.

Қурултойда Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан йигит-қизлар мамлакатимизда туризмни ривожлантириш борасидаги таклиф ва ғоялари, маҳаллий туризм салоҳияти презентацияси билан иштирок этди.

— Қурултой учун ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилгани сезилиб турди, — дейди хоразмлик Нилуфар Аҳмедова. — Бинобарин, Президентимизнинг инклюзив таълим соҳасига қаратаётган эътибори одамни тўлқинлантирмай қўймайди. Ҳозирги кунда олий таълимнинг психология йўналишини тугатиб, Ёшлар ишлари агентлиги Хоразм вилояти бошқармаси қошидаги Инклюзив таълим марказида айнан психология йўналиши бўйича мувофиқлаштирувчи бўлиб фаолият юритяпман. Мамлакатимизда инклюзив таълимни ривожлантиришга, яъни имконияти чекланган, ногиронлиги бор ёшларга таълим-тарбия бериш, уларнинг жамиятда соғломлар қаторида ўз ўрнини топишига, касб-ҳунар эгаллашига эътибор қаратилаётганидан жуда мамнунман. Жумладан, "Ёшлар туризми" қурултойи делегатлари орасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг борлиги ҳам мамлакатимизда уларга қаратилган ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси, деб ҳисоблайман.

Шунингдек, қурултойда Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркманистон давлатларидан ҳам ёшлар иштирок этди.

Айтиш жоизки, қурултой доирасида бир қатор танлов, мусобақа, тақдимот, учрашув, акция, лойиҳа ҳамда тадбирлар уюштирилди. Энг муҳими, бу тадбирлар ёшларда катта таассурот уйғотгани уларнинг юз-кўзида яққол акс этиб турди.

Жумладан, "Энг намунали гуруҳ" танлови, "Заковат" интеллектуал ўйини, "Туризм — квест" лойиҳаларида иштирокчилар бугун мамлакатимизда туризмни ривожлантиришдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни очиб берди, уларнинг ечимига доир таклифларни билдирди.

Анжуман давомида "Туризм спартакиадаси" спорт мусобақаси, "Уста — шогирд" мактаби, "Энг яхши туризм лойиҳаси" танловлари ҳам ўтказилди.




Якунда эса қурултой доирасидаги турли тадбирларда фаол қатнашган гуруҳ ва ҳудуд жамоалари фахрий ёрлиқ, эсдалик совғалар билан тақдирланди.

"Ёшлар туризми" қурултойи ёшларга мотивация бериш билан бирга, уларни бир-бири билан яқинлаштирди, ўзаро дўстлик, фикрдошлик ришталарини боғлади. Юртимизда шундай тадбирларнинг кўпайиши ички туризм ривожига, шунингдек, ёшларимизнинг дунё миқёсидаги халқаро анжуманларда фаол бўлиб, юрт шаъни, қадр-қимматини кўтаришида муҳим омил бўлишига шубҳа йўқ.

**Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи»).**

Давлат мукофотига номзодлар

# АДАБИЁТИМИЗНИНГ «ОЛТИН ДАВРИ» МАНЗАРАЛАРИ

*Буюк Абдулла Қодирий, бор-йўғи, 44 йил умр кўрди. Шундан тахминан 22-23 йиллик ҳаётини ижодга бағишлади, холос. Адибнинг хоҳ публицистик, хоҳ бадиий асарлари бўлсин, эълон қилинган дастлабки даврларданоқ қизғин муҳокамалар марказига кўчди. Ўша қизғин муҳокамалар кайфияти 1956 йилда адиб шахсига бўлган ижтимоий-сиёсий муносабат бирмунча юмшаганидан кейин ҳам давом этди.*

Ватанимиз мустақиллиги тонгига келибгина Қодирий ва ўша долғали давр адабиётини ўрганиш, тадқиқ этиш бир қадар мўътадил тус олди. Адабий ҳаётимизда, адабиётшунослик илмида чинакам маънодаги қодирийшунослик йўналиши шакллана бошлади.

Йиллар ўтгани сайин Абдулла Қодирий шахси, ҳаёти, ижоди ҳамда у яшаган давр ва муҳитни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар сон ва салмоқ жиҳатидан кўпайгани эътироф этилар экан, шу билан бир вақтда, бу борада яна талай вазифалар, чунончи, изланишлар қилиниши зарурлигини кўнгил ҳис қилиб туради. Шу маънода, атоқли адабиётшунос олим, академик Наим Каримовнинг “Абдулла Қодирий замондошлари” қомусий китоби алоҳида илмий-амалий қимматга эга нашр бўлди.

Бу китоб муаллифнинг узоқ йиллик улкан ва давомли илмий изланишлари, матонати, заҳматларининг маҳсули ўлароқ дунёга келди.

Наим Каримов илмий-ижодий фаолияти учун фавқулодда ўзига хос йўналиш кашф қилди. Олим Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон яшаган ва ижод қилган даврни “Ўзбек адабиётининг XX асрдаги “олтин даври” деб номлайди. Бироқ фавқулодда истеъдод эгаларини инъом этган бу “олтин давр” қанчалар фожиаларга, ёвузликлар ва хунрезликларга тўлиб-тошгани эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Шу билан бир вақтда даврга бўлган қарашларда ҳали-ҳануз хилмахиллик, тарафкашлик, ғайриилмийлик кайфиятлари сақланиб қолаётганига ҳам ажабланмаслик мумкиндир.

Наим Каримов илмий фаолиятининг дастлабки босқичларидан бошлаб ўз инсоний, адабий ва фуқаролик концепциясини ўзгартирмади, хусусан, бутун салоҳияти, саъй-ҳаракатини ўтган асрнинг биринчи ярми, ўзи айтмоқчи, адабиётимизнинг “олтин даври” уммонининг жамики инжулари ва қабоҳатлари ғаввосига айланишга сафарбар этди. Айтиш керакки, улкан олим инсон ва жамият ҳаётини, талатўпларга тўлиб-тошган хатарли замонларни, чигалдан-чигал муносабатлар жумбоқларини ўрганишда, уларга ойдинлик киритишда бошқа бирор-бир соҳа бадиий адабиёт имкониятларига тенг кела олмаслигини исботловчи ўнлаб қимматли асарлар яратди. “Абдулла Қодирий замондошлари” китоби бунга яна бир салмоқли далил бўлди.

Ҳар қандай халқ ривожлангани сайин, ортда қолган тарихий йўлнинг сарҳисобини қилади, бу, одатда, турли йўналишларда қомус яратиш билан амалга оширилади. Қомуслар тараққиёт йўлидаги бекатлар вазифасини ўтайди. Айниқса, адабиёт, маданият ва санъат соҳаларида бунга бўлган эҳтиёж ва имконият катта. Китоб муаллифи ёзганидек, бизда Алишер Навоий ва Абдулла Қодирийга бағишланган энциклопедиялар яратишга киришилган эди. Сўз юритилаётган қомус мана шундай эзгу ниятларни тўла-тўкис амалга ошириш сари қўйилган қадам бўлди.

Китоб саҳифаларида ниҳоятда бой тарих мужассам. Қизиғи ва аҳамиятлиси шундаки, Абдулла Қодирийдек бир ноёб шахс, бир улкан адиб ва унинг ижод оламига бўлган муносабатлари орқали неча ўнлаб (жами 252 нафар) таниқли ва нотаниш инсонларнинг дунёқараши, инсоний аъмоли, бадиий диди, салоҳияти, қолаверса, мураккабдан-мураккаб замон, сиёсат, жамият тутумлари ҳақидаги қарашлари юзага қалқиб чиқмоқда.

Муаллиф ниҳоятда маъқул тартиблаштириш тизимини топган, яъни китобга киритилаётган шахс ҳақида китобхон омма учун мухтасар маълумот берилгач, унинг Абдулла Қодирийга тааллуқли муносабати келтирилган. Ғоятда нозик жойи шундаки, буюк адибга муносабат ўта қалтис кечган кезларда ёзувчининг шахси, ижоди ва асарларига нисбатан билдирилган мулоҳазаларни келтиришда Наим Каримов мумкин қадар холисликни сақлашга, адолат посангисининг оғиб кетмаслигига ҳаракат қилган. Ҳозирга қадар кенг омма назаридан сир сақланиб келаётган ҳақиқатларни ошкор этишда бир қадар илгари кетгани эса алоҳида таҳсинга лойиқ.

Мундарижадан ўрин олган муаллифлар, яъни Қодирий замондошларини қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин: адибнинг оила аъзолари, яқинлари, маҳалладош ва қўни-қўшнилари, ҳамкасблари, таниқли ижод аҳли, давлат ва жамоат арбоблари, хориж вакиллари ва ҳоказо. Келтирилган ҳар бир эсдалик, ҳар бир хотира, ҳатто биргина лавҳа ва жумла асосий мақсадга, яъни Қодирий сиймосининг ўқувчи кўз олдида гавдалантирилишига ҳамда умумий манзара кўламини кенгайтиришга хизмат қилади. *“Абдулла иккимиз бир партада 4 йил ўтириб, мунтазам илм олдик”*, деб ёзади адибнинг тенгдош ўртоғи Акмал Акрамов. *“Отангиз (яъни Абдулла Қодирий билан. — Х.Д.) билан бир камерада апрель ойига қадар — 4 ой бирга ўтирдик”*, деб эслайди тиббиёт фанлари доктори, профессор Содиқ Маъсумов. Ушбу икки оғиз жумлада суюкли адибимиз ҳаётининг, қолаверса, қисматининг икки қутби манзараси намоён, дейиш мумкин. Таниқли файласуф олим Сулаймон Азимов Қодирий билан илк сафар юзма-юз келишини қуйидагича тасвирлайди: *“Уни кўрганимдаги кўз қарашлари: гўё бутун дунёнинг маъноси шу одамнинг кўз қарашларида тўплангандек таассурот қолдирди”.*

Бу каби ўхшатиб айтилган тавсифлар кўп. Китобнинг ўзига хос муҳим хусусиятларидан яна бири — муаллифнинг Абдулла Қодирийнинг бошига таъна-маломатларни ёғдиришда, уни ёмонотлиққа чиқаришда, ҳатто жисмоний-руҳий уқубатларга гирифтор этилишида бош-қош бўлган, “холис” кўрсатмалар берган, қўли қонга ботган кимсаларга ҳам ниҳоятда бағрикенглик билан китобдан жой берганидир. Зеро, бусиз китобдан кўзда тутилган қомусийлик руҳи кемтик бўлиб қолган бўлар эди.

Қисқача айтганда, “Абдулла Қодирий замондошлари” академик Наим Каримовнинг узоқ йиллик заҳматли меҳнати, изланишларининг маҳсули ўлароқ миллий адабиётимиз, адабиётшунослигимизда ва албатта, маданий ҳаётимизда фавқулодда янги воқеа ҳисобланади. Бу китоб келгусида яратилажак фундаментал миқёсдаги “Абдулла Қодирий” қомуси учун ўзак вазифасини ўташи билан ҳам катта аҳамиятга эга. Шу боис ушбу қомусий асар адабиёт соҳасида давлат мукофотига тавсия этилгани жуда ўринли иш бўлди, деб ҳисоблайман. Заҳматкаш олимимизнинг ушбу илмий мажмуаси ана шундай юксак эътирофга ҳар томонлама муносибдир.

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи.**

Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллигига

# ТАФАККУРДАГИ ЮКСАЛИШ

## юртимизда ижод эркинлигини таъминлаш ва ривожлантиришдан кўзланган мақсад

*Президентимизнинг 2017 йил 3 август куни Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасини ижодий ташкилотлар ва соҳанинг юксалиш пойдеворини шакллантириш стратегияси сифатида баҳолаш мумкин. Зеро, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт, сиёсий тизимда чуқур ислоҳотлар самараси ўзини намоён қилаётган бир пайтда маданий ва маънавий ҳаётнинг орқада қолишига йўл қўйиб бўлмасди. Шунинг учун ҳам кўзга тез ташланадиган, жаҳон цивилизациясига кучли таъсир этадиган олий даражадаги санъат, адабиёт ва маданият асарларини яратиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланди.*



Ҳаракатлар стратегияси ва Тараққиёт стратегияси каби иборалар қанчалик жарангли эшитилмасин, уларнинг ҳаётий рўёбини таъминлашда инсон салоҳияти ва тафаккур кучи зарур. Яъни тараққиёт деганда, аввало, инсоннинг ўз эркинлиги ва ижодий салоҳиятини намойиш эта олиш даражасига эришиши, ўз ҳаётининг мазмунли эканини ҳис этиши, юксак санъат ва маданият асарларини ярата олиш қобилиятини эгаллаши, ўз меҳнати фароғатини кўриши каби инсоний олий қадриятлар кўз олдимизга келади. Қисқа қилиб айтганда, тараққиёт — бу инсоннинг, халқнинг уйғониши демакдир.

Шунинг учун ҳам давлат раҳбари ўзи бошлаган ислоҳотларнинг ортга қайтмаслиги учун Ўзбекистоннинг дунёдаги ижобий имижини тиклашга астойдил, ғайрат-шижоат билан киришди. У бу йўлда ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтмоқда, ислоҳотлар истиқболларига чин дилдан ишонади. Албатта, бу туб ўзгаришлар, биринчи навбатда, халқ учун, унинг фаровонлиги учун, унинг дунёга танилиши учун рўёбга чиқарилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қисқа давр ичида мамлакатда амалга оширган ислоҳотларининг натижаларини бир-бир хаёлдан ўтказар эканмиз, яна бир бор тарихда шахснинг роли беқиёс баланд эканига гувоҳ бўламиз. Бир шахснинг давлат ҳокимияти бошқаруви тепасига келиши мамлакат қиёфасини, халқ дунёқарашини шунчалик тез ўзгартириб юбориши, албатта, ҳайратланарли ҳодисадир. Орадан неча-неча ўн йилликлар ўтади, аммо 2016 йил охири ва 2017 йил аввалида бошланган ўзгаришлар шабадаси, мамлакат раҳбари томонидан қабул қилинган қарорлар, Ватан, миллат тақдири билан бевосита боғлиқ муҳим ҳужжатлар бу ислоҳотлар ўз-ўзидан бўлмаганлигини, оғир синов пайтлари ким ўзини қандай тутганини келгуси авлодларга эслатиб туради.

Давлат тепасига келган ҳар бир раҳбар маълум ислоҳотларни ўтказишга, ички ва ташқи сиёсатда янгича йўл қидиришга ҳаракат қилади, албатта. Аммо халқнинг, миллатнинг руҳига, орзу-интилишларига, мақсад-муддаосига мос, иқтисодий, маънавий асослари мустаҳкам ислоҳотларгина амалга ошади, халқ турмуш тарзига таъсир кўрсатади. Қуруқ, баландпарвоз, таг замини пуч ваъдалардан иборат ислоҳотлар эса қоғознинг ўзида қолиб кетади. Президент Шавкат Мирзиёев “Ислоҳотлар ортга қайтмайди”, деган улуғ мақсадни кун тартибига қўйди. Бу — халқнинг тили ва дилидаги гап эди, пишиб етилган мақсад эди.

Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик бошлангани, давлат сиёсати ва бошқарувининг инсоннинг ривожланиши, унинг манфаатларини қондириш институти сифатида трансформациялашуви, авторитар бошқарувга барҳам берилгани, инсон, матбуот, диний эркинликлар қоғозда эмас, балки ҳаётда юз бераётгани, давлат халқ иродасини ифода этувчи ва давлат идораларининг халққа хизмат қилиш институтига айлангани, яратилган шарт-шароитлар самараси ўлароқ жамият ва давлат дарди билан яшайдиган ватандошларимиз кўпайиб бораётгани Президентимиз бошлаган янги Ўзбекистонни қуриш ислоҳотларининг натижаларидир.

Президентимизнинг зиёлилар билан учрашуви шунчаки оддий мулоқот эмас, балки янги Ўзбекистонга хос бўлган ижодкор зиёлиларни шакллантиришдаги муаммоларни ва уларнинг ечимларини аниқлаш, юқори ижодий даражаларга кўтарилиш шарт-шароитларини яратиш, зиёлиларни ҳаракатга келтириш, уларнинг маърифий уйғонишдаги асосий янги мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш каби эзгу ниятлар зарурати эди. Масаланинг долзарблиги, унинг мамлакат тараққиёти билан узвий боғлиқ экани бу тадбир танқидий руҳда ўтишига сабаб бўлди.

Учрашувда зиёлиларнинг ҳозирги фаолияти халқимизни қониқтирмаётгани, уларда янги-янги ижодий ғоя ва ташаббуслар билан яшаш, изланиш руҳи етишмаётгани, ижодий муҳит қандайдир турғунликка тушиб, бир жойда депсиниб тургандай, аксарият ижодкорлар ўз ташвиш ва муаммолари билан ўралашиб қолгандай таассурот пайдо бўлгани таъкидланиб, адабий ва маданий соҳадаги жиддий муаммоларнинг сабаблари ва илдизлари очиб берилди.

Шунингдек, давлат раҳбари зиёлиларнинг жамиятда уйғониш пойдеворини қуришдаги тарихий ролини ойдинлаштириб, адабиёт, маданият ва санъат арбоблари ҳамиша жамиятни ривожлантириш йўлида янги ғоялар генератори бўлишини қайд этди, улар ўз асарлари, фаол фуқаролик позицияси билан одамларни эзгу мақсад ва марралар сари бошлаши, илҳомлантириши керак эмасми, деган саволни ўртага ташлади.

Шу билан бирга, давлат раҳбари ижодий уюшмалар ва маданият соҳасидаги давлат идоралари фаолиятида тадбирбозлик, хўжакўрсинга ишлаш, сусткашлик ва лоқайдлик кайфиятлари пайдо бўлгани, уларнинг аксарияти фақат юқоридан буйруқ кутиб ишлашга ўрганиб қолгани, фаолиятида умумий мақсад учун жон куйдириш, ташаббус ва ташкилотчилик сезилмаётгани каби нохуш ҳолатларни танқид қилди. Ижодкор зиёлилар ўртасида танқидий руҳ сезилмаётганини “соғлом танқид, баҳс ва тортишув бўлмаган жойда чинакам ижод бўлмайди”, деган азалий аксиома билан далиллаб берди. Учрашувда кўтарилган энг катта муаммолардан бири замонавий қаҳрамон образини яратиш масаласи бўлди.

Ҳозирги пайтда юртимизда турли мулк шаклига эга бўлган бир ярим мингдан кўпроқ оммавий ахборот воситалари, шунингдек, ўнлаб нашриётлар фаолият олиб бормоқда. Аммо уларнинг барчаси ҳам бизнинг миллий ғоямизни ривожлантириш, халқимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қиляптими, деган савол кўндаланг турибди. Хусусий нашриётларнинг кўпчилиги бир вақтлар вилоятларда ҳам нашриётлар бўлсин, деган нотўғри ёндашув билан ташкил этилгани, уларнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти ниҳоятда ночор экани китоб деган мўътабар тушунчанинг қадрини туширишга олиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Лекин бу муаммони қонуний асосда қандай ҳал қилиш мумкинлиги ҳақида амалий таклифлар деярли учрамайди.

Дарҳақиқат, учрашувда Президент томонидан тилга олган масалалар мазмун-моҳиятига синчиклаб эътибор берсак, уларнинг ҳаммаси адабиёт, санъат ва маданиятнинг жамият маънавий ҳаётини ривожлантириш, улар таъсирида халқимиз маънавий дунёсини бойитиш, жамият ва давлатни баркамол ёшларга мерос қилиб қолдиришдек эзгуликларга дахлдор.

Ўша тарихий учрашувдан кейинги беш йил ичида Президентнинг ижодий ташкилотлар ва соҳаларни янада ривожлантиришга оид қатор Фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Шоир ва ёзувчиларга қулай шароитлар яратиш мақсадида Ёзувчилар уюшмасининг кўркам биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Пойтахтимизда Адиблар хиёбони бунёд этилгани атоқли ижод аҳлининг хотирасини абадийлаштириш билан бирга, мамлакатимизда ижодий муҳитни янада бойитишга, ёшларни адабиётга ошно этишга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 14 августдаги “Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан, маданият ва санъат соҳаларидаги истеъдодли ва истиқболли ёшларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини инобатга олиш, илм-фан, адабиёт ва санъат асарлари нашр этилгани учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкаларини ошириш чоралари кўрилди.

2018 йил 28 ноябрдаги Президент қарори билан Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Концепциянинг асосий мақсадларидан бири маданиятнинг устуворлигига урғу бериш, жамият ҳаёти сифатининг янада юқори даражасини таъминлаш, унда фуқароларнинг ҳамжиҳат бўлишига эришиш, маънавиятли, масъулиятли, мустақил фикрловчи ижодкор шахсни шакллантириш, деб белгиланди.

Тасвирий ва амалий санъат соҳаларида миллий меросимизни тиклаш, иккинчи Ренессанснинг йирик вакили Камолиддин Беҳзоднинг бой ижодий меросини халқимизга тўла етказиш, соҳа ривожига катта ҳисса қўшган атоқли рассом ва халқ усталари хотирасини абадийлаштириш, ижодий йўналишда олий ўқув юртидан кейинги таълимни ташкил этиш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда тасвирий ва амалий санъат, дизайн соҳаси самарадорлигини янада кенгайтириш мақсадида 2020 йил 21 апрелда Президентимизнинг “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Президентимизнинг 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш, соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, республиканинг барча ҳудудида театр, музей, кўчма цирк ва ҳайвонот боғлари фаолиятини доимий равишда йўлга қўйиш, маданият ва санъат соҳасидаги ислоҳотларни жадал давом эттириш, маданият органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш вазифалари қўйилди.

Фармонда Ўзбекистон давлат консерваториясининг ўзбек мақом санъати факультети ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг тегишли таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликлари негизида мақом ижрочилиги, бахшичилик ва катта ашула йўналишлари бўйича кадрлар тайёрловчи таянч олий таълим муассасаси — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти, давлат муассасаси шаклидаги Маданий мерос илмий-тадқиқот институти ташкил этилди.

Президентимизнинг 2021 йил 16 октябрда “Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институтини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори миллий эстрада ижрочилик мактабларини яратиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, илмий салоҳиятдан самарали фойдаланган ҳолда миллий эстрада санъатини жадал ривожлантириш ишига хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 20 ноябрда киноижодкорлар билан учрашди. “Ўзбекфильм” киностудиясига ташриф буюрди ва шу ерда кино санъати фахрийлари, режиссёрлар, соҳа мутасаддилари билан суҳбатлашиш чоғида долзарб фикрни ўртага ташлади: “Етарли эътибор бўлмагани сабабли мамлакат кино санъатида турғунлик пайдо бўлган эди. Фақат енгил-елпи, тижорат картиналари яратилиб, соҳа ривожи дунёдан ортда қолиб кетди”.

Дарҳақиқат, ўзбек миллий киноси жаҳонда машҳур кинофильмлар ишлаб чиқариш даражасига кўтарила олмаганди. Мана, энди янги тарихий фильмлар яратишга киришилди. Аммо уларнинг сони кам. Шунинг учун ҳам давлат раҳбарининг “Юртимиз тарихи ҳақида албатта фильм бўлиши керак. Бунга вақт келди”, деган талаби адолатлидир. Шубҳасиз, халқимиз киноижодкорлар томонидан яқин йиллар ичида тарихий ва замонамиз қаҳрамонларининг барча қиррасини намойиш қиладиган сара фильмлар яратишларига умидвор бўлиб турибди. Ҳозирги даврда халқнинг маънавиятини юксалтиришда, халқимиз тафаккурини чархлашда кинодан таъсирлироқ куч йўқ.

Президентимизнинг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони миллий таълим-тарбия тизимини замон талаблари асосида модернизация қилиш, ёшларни юксак билим-маърифат эгалари, жисмоний ва маънавий соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог ходимлари нуфузини ошириш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадини қўйди. Мазкур ҳужжатни ҳаётга жорий этиш асносида ёшлар ичидан бўлажак ижодий зиёлилар шаклланишига зарурий шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2021 йил 1 апрелдан бошлаб мактабларда ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозими жорий этилди. Мамлакатдаги 10 мингдан зиёд умумтаълим мактабларида ёзувчи, шоир, ижодкор ва журналистлар ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи сифатида фаолият юрита бошлади. Улар олдига бадиий адабиёт орқали ўқувчилар қалбида миллий руҳ, ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғуларини тарбиялаш, китобхонликни ривожлантириш, ижодий қобилиятга эга бўлган ўқувчиларни аниқлаш, саралаш, улар учун ижодий тўгараклар ташкил этиш ҳамда режа асосида маҳорат сабоқларини олиб бориш вазифаси қўйилди.

Кўриниб турибдики, таълим тизимида ўқувчилар ижодий истеъдодини шакллантириш, улар онгида уйғониш даври таассуротларини бойитиш, адабиёт, санъат ва маданий соҳаларда ўзларини намоён қилишлари учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги ишлар шиддатли олиб борилмоқда. Президент мактаблари, янги очилган миллий ва хорижий олий ўқув юртлари маънавий-маърифий ва ижодий ҳаёт марказларига айланмоқда. Бу жараёнлар биз учун тарихий янгиликлар, бошқача айтганда, маънавий инновациялардир. Албатта, бу туб ўзгаришлар, биринчи навбатда, халқ учун, унинг фаровонлиги учун, унинг дунёга танилиши учун амалга оширилмоқда.

Хуллас, адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор — бу аввало, халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ.

Шу ўринда Президентимизнинг ижодкор зиёлилар билан учрашувида билдирган фикрлари билан мавзуга нуқта қўймоқчиман: “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”.

**Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЧИНАКАМ БУНЁДКОРЛАРИ

*Бугун Ўзбекистоннинг қайси гўшасига қадам қўйманг, обод ва нурафшон манзилларга кўзингиз тушади. Маҳобатли ва осмонўпар иморатлар, кафтдек текис йўллар, “Янги Ўзбекистон” даҳалари, хиёбонлар, зиёратгоҳлар, кўҳна тарихимиздан сўз очувчи осориатиқаларга боқиб, дилингиз равшан тортади. Юрт эртасига, мамлакат келажагига ишонч, яшашга, меҳнат қилишга рағбат уйғонади.*

*Бинобарин, 2022 йилнинг январь — июнь ойларида Ўзбекистонда 60,3 трлн. сўмлик қурилиш-бунёдкорлик ишлари бажарилгани, қурилиш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6,2 фоиз ошгани таҳсинга сазовор, албатта.*

*Якшанба куни мамлакатимизда қурилиш соҳаси ходимлари касб байрамини нишонлади. Президентимизнинг соҳа ходимларига йўллаган табригида “Ушбу қувончли айёмда сизларни Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида эъзозлаб, шаънингизга энг юксак таъриф ва тилакларимизни изҳор этамиз, фидокорона меҳнатингиз учун чин дилдан ташаккурлар айтамиз” деган эътирофи ҳар бир қурувчини янги-янги ютуқлар сари ундагани, шубҳасиз.*

*Қуйида элу юрт тараққиётига ўзининг самарали меҳнати билан салмоқли ҳисса қўшиб келаётган қурувчиларнинг дил сўзларини ҳавола этамиз.*

Муносабат

## Ишончга муносиб бўлиш юксак марраларга бошлайди

Ғурур ва ифтихор туйғулари кишига ўзгача завқ беради. Президентимизнинг қурилиш соҳаси ходимларига йўллаган табригида биз, бинокорлар шаънига билдирилган самимий сўзларни ўқиб, бу туйғу инсонни нечоғли юксакка кўтаришини ҳис қилдим.

Айниқса, табрикдаги “Сизларнинг тимсолингизда шаҳар ва қишлоқларимизда, бутун юртимизда янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари, муҳим ижтимоий объектлар, замонавий уй-жойлар, йўл ва кўприклар барпо этиб, ҳаётимизни янада гўзал ва обод қилишга беқиёс ҳисса қўшиб келаётган олижаноб касб эгаларини кўрамиз”, деган сўзларидан бошимиз кўкка етди, десам, муболаға бўлмайди.

Ҳозирги кунда юртимизни улкан қурилиш майдонига менгзаш мумкин. Бунёдкорлик, яратувчанлик кўлами ва қамрови тобора кенгайиб, шаҳару қишлоқларимиз янги, замонавий қиёфа касб этаётир. Шу жумладан, Сурхондарё вилоятида қурилаётган кўп қаватли уй-жойлар, маданий, маиший, савдо ва хизмат кўрсатиш иншоотлари, янгидан-янги йўл-транспорт коммуникацияси тармоқлари аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Табиийки, вилоятимиздаги қурилиш, яратувчанлик ишларида корхонамиз қурувчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Айни пайтда Жарқўрғон туманидаги “Қора янтоқ” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида янгидан бунёд этилаётган “Янги Ўзбекистон” даҳасида қурувчиларимиз томонидан 4 та 5 қаватли уйни бунёд этиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Ушбу ҳудудда жорий йилда 20 та битта йўлакли кўп қаватли турар-жойларни қуриб, фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Шу билан бирга, мактаб, болалар боғчаси ва бошқа ижтимоий соҳа объектлари, хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам қад ростламоқда. 2026 йилга қадар 86 та кўп қаватли уйни бунёд этиш кўзда тутилган бўлиб, ҳадемай бу манзил янги Ўзбекистоннинг энг обод, файзли гўшаларидан бирига айланади.

Чунончи, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар изчил амалга оширилмоқда. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар замирида, аввало, инсон қадри, унинг манфаатларини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам. Ана шу эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришда қурилиш соҳаси ходимларининг ҳам ҳиссаси катта бўлади ва бу биз қурувчиларга шараф ва юксак масъулият юклайди. Зеро, юртни обод қилишдан кўра улуғроқ иш йўқ.

**Отабек ЧОРШАНБИЕВ,**
**Сурхондарё вилоятидаги «Жар альфа барака» хусусий корхонаси раҳбари.**

## Ислоҳотларнинг муҳим самараси

Давлатимиз раҳбари табригида келтирилган ҳар бир факт ва рақам замирида чуқур маъно, улкан меҳнат самараси мужассам. Аммо гап рақамларда эмас, уларга асос бўлаётган ислоҳотларда. Ўтган йиллар мамлакатимизда шундай тизим фундаменти яратилдики, уларга таяниб, ҳар ким ҳалол меҳнат қилса, ўз вазифасини уддаласа, улкан натижалар, эътирофлар, таъбир жоиз бўлса, ортимиздан қувлаб юради.

Туманимиз илгари аграр соҳага ихтисослаштирилгани боис етарли даражада иқтисодий салоҳиятга эга эмасди. Эндиликда эса вазият тубдан ўзгарди. Қишлоқларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсмоқда. Замонавий хизмат кўрсатувчи тармоқлар ҳам кўпчиликнинг оғирини енгил қилмоқда. Натижада ўнлаб янги иш ўринлари яратиляпти.

Масалан, “Мега текстиль” ўзбек — турк қўшма корхонасида янги қувватлар барпо қилиш эвазига 420 киши учун бандлик муаммоси ҳал этилди. Шу ҳудудда 4 та кичик саноат зонасини ташкил қилишга киришдик. Уларда қисқа муддатда 141 лойиҳа амалга оширилади. 539 миллиард сўмлик инвестиция ўзлаштирилади. Бу 3 минг 900 тадан зиёд янги иш ўринлари вужудга келади, демакдир.

“Овчибулоқ” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида “Машад тўқув тест”, “Муборак пуре силк”, “Абдулвоҳид-Билол-Шамсиддин меҳнат” масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда ҳунармандчилик корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Бу фидокор қурувчиларимизнинг меҳнати самарасидир. Тез орада бошқа истиқболли лойиҳалар ҳам ишга тушиб, йирик саноат шаҳарчаси юзага келади.

Мазкур маҳалладаги кичик саноат зонасида шу кунларда бунёдкорлик ишлари кўлами тобора кенгаймоқда. 3,2 гектар майдонда умумий қиймати 99,5 миллиард сўм бўлган 28 та лойиҳа устида иш олиб бориляпти. Аксарият объектлар қурувчиларнинг тезкор меҳнати туфайли жадал суръатда қад кўтармоқда.

Кичик саноат зонасида, асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш асосий йўналиш ҳисобланади. Бунинг учун катта ҳажмли мева-сабзавот омборлари ва музлаткичлар барпо этилмоқда. Корхоналар қуриб битказилгач, камида 500 та янги иш ўрни очилади.

Яқин истиқболда туманимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган яна ўнлаб лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган. Қатор маҳаллаларнинг шаҳарсозлик режалари ишлаб чиқилмоқда. Бунда, албатта, бунёдкорларимизнинг ҳиссаси катта бўлади.

**Музаффар НИЁЗОВ,**
**Наманган вилоятининг Уйчи тумани қурилиш бўлими бошлиғи.**



# ҲИНДИСТОН – ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУҲИМ ҲАМКОРИ

*15 август — Ҳиндистон Республикаси Мустақиллиги куни. Дўст давлат ва яқин ҳамкоримиз бўлган ушбу мамлакат мустақиллигининг ўз тарихи бор ва мазкур сана ҳар бир ҳиндистонлик учун ниҳоятда қадрлидир.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Мустақиллиги куни муносабати билан Бош вазир Нарендра Модига табрик йўллаб, Ҳиндистон халқини миллий Мустақиллик байрами билан қизғин қутлаб, самимий тилакларини изҳор қилди.*

*Қайд этиш керак, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги яқин дўстлик муносабатлари узоқ тарихга бориб тақалади. Кўп асрлик дўстлик алоқалари анъаналарига содиқ ҳолда, бугунги кунда икки мамлакат давлатлараро шерикликни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқишдан ўзаро манфаатдор эканини намоён этмоқда.*

*Бу борада ўзаро алоқалар сўнгги бир неча йил ичида янги чўққиларга кўтарилгани, аввало, икки давлат раҳбарлари ўртасида йўлга қўйилган мунтазам ва изчил сиёсий мулоқот икки томонлама муносабатларнинг равнақи учун мустаҳкам замин яратаётгани алоҳида қайд этилган.*

*Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил октябрь ойида Ҳиндистонга давлат ташрифи натижасида турли устувор соҳалардаги ҳамкорликка оид 20 та ҳужжат имзолангани муносабатларимизда янги саҳифа очгани, 2019 йил январь ойида яна шу мамлакатга ташриф буюриб, “Жўшқин Гужарат” глобал сармоявий саммитида бош меҳмон сифатида иштирок этгани, 2020 йил декабрь ойида Ўзбекистон Президенти ва Ҳиндистон Бош вазири ўртасида бўлиб ўтган виртуал саммит икки томонлама алоқалар ривожида муҳим босқич бўлди. Шунингдек, ўзаро манфаатли ҳамкорлик доирасида турли соҳа ва даражадаги делегациялар мулоқоти самарали йўлга қўйилган.*

*2020 йилда пандемия билан боғлиқ чекловлар жорий қилинган оғир ва синовли даврларда Ўзбекистон ҳам, Ҳиндистон ҳам ўта муҳим ва зарур фармацевтика маҳсулотлари ва тиббий асбоб-ускуналардан ташкил топган инсонпарварлик юклари орқали бир-бирига дўстона ёрдам қўлини чўзди.*

*Бугунги кунда икки мамлакат ўртасида қулай савдо режими амал қилмоқда. Ўртадаги йиллик товар айирбошлаш ҳажми 440 миллион АҚШ долларидан ошади. Савдо ва сармоявий соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасида фойдаланилмаган улкан салоҳият мавжуд. Бугунги кунда Ўзбекистонда Ҳиндистон капитали иштирокидаги 330 га яқин корхоналар, жумладан, 100 фоизлик Ҳиндистон капиталига асосланган 220 та муассаса фаолият кўрсатмоқда.*

*Айни вақтда Ўзбекистон олий ўқув юртлари Ҳиндистоннинг 10 дан ортиқ университети, илмий-тадқиқот муассасаси ва маркази билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хусусан, илм-фан соҳасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг бир қанча илмий-тадқиқот ташкилотлари Деҳли, Мумбай ва Пуна шаҳарларидаги академик марказлар билан алоқаларни йўлга қўйган ва қўшма илмий лойиҳаларни амалга оширмоқда. Деҳлидаги Жомия Миллия Исломия ва Жавоҳарлал Неру университетларида ўзбек тили курслари йўлга қўйилган. 2019 йилда Ҳиндистоннинг Амити ва Шарда университетларининг филиаллари Тошкент ва Андижон шаҳарларида ўз фаолиятини бошлади. 2021 йил декабрь ойида эса Жиззах вилоятида Самбҳрам технология институтининг янги кампуси очилди. Ҳозирда Ҳиндистоннинг бошқа қатор етакчи университетлари Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида ўз филиалларини ташкил этиш устида иш олиб бормоқда.*

## «Дунё — ягона оила»

**Маниш ПРАБХАТ,**
**Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Ҳиндистон Мустақиллигининг 75 йиллиги муносабати билан “Халқ сўзи” газетасининг барча ўқувчиларини чин дилдан табриклайман ҳамда Ўзбекистон Ҳукумати ва халқига Ҳиндистонга кўрсатилаётган дўстлик ва ҳамкорлик учун миннатдорлик билдираман. Ҳиндистон 1947 йил 15 августда мустақилликка эришди ва ўшандан бери ўз халқининг тараққиёт йўлидан борди, миллий хавфсизлигини мустаҳкамлаб, мамлакатда илмий-техника тараққиётини рағбатлантирди. Жаҳон миқёсида Ҳиндистон тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ва “Васудҳаива Кутумбакам”, яъни “Дунё — ягона оила” руҳига мувофиқ глобал ҳамкорликни ривожлантириш сиёсатини олиб борди.

Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари сўнгги йилларда, айниқса, Бош вазир Нарендра Моди Жаноби Олийларининг 2015 ва 2016 йилларда Ўзбекистонга ва Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг 2018 ва 2019 йилларда Ҳиндистонга ташрифлари билан мустаҳкамланди. Икки давлат раҳбарлари 2020 йилда виртуал саммит ўтказдилар. Ҳиндистон ва Ўзбекистон кенг кўламли кўп томонлама ҳамкорликка эга, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, “Ҳиндистон — Марказий Осиё” саммити ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти платформаларида. Ишончим комилки, ҳар бир ҳиндистонлик ва ҳар бир ўзбекистонлик ҳамкорлиги билан Ҳиндистон — Ўзбекистон дўстлик ва шериклик муносабатлари янада гуллаб-яшнайди.

## Кучли демократия ва плюралистик жамият

**А. Р. ГАНШЯМ,**
**Ҳиндистоннинг Жазоирдаги элчиси ва Ҳиндистоннинг Нигериядаги Олий комиссари бўлиб хизмат қилган истеъфодаги дипломат:**

— Милодий икки минг йиллик давомида Ҳиндистон дунёдаги ишлаб чиқаришнинг учдан бир қисмини ташкил этган энг йирик иқтисодиётга эга давлат бўлиб келди. Археологик далиллар қадимги Ҳиндистоннинг Ҳинд водийси цивилизацияси келиб чиқишининг милоддан аввалги 5 минг йиллик тарихини айтиб беришга қодир. Ўрта асрларда ҳам Ҳиндистон соҳибқирон императорлар даврида миллионлаб милларга ёйилган бир неча улкан империялар ва буюк цивилизациялар гувоҳи бўлган.

Ўтган минг йилликнинг сўнгги чорагига келиб, Ҳиндистон XVIII-XIX асрларда Шарқий Ҳиндистон компаниясининг таъсири остида қолди. Кейинчалик, 1857 йилда сепой қўзғолони инглизларни Ҳиндистонни тўқсон йил давомида тўғридан-тўғри Британия империясига бўйсундиришга мажбур қилди. Шундай қилиб, қарийб икки аср давомида Ҳиндистон Буюк Британияга боғланиб, фақат Британия империясининг манфаатларига хизмат қилди. Инглизлар босиб олган, назорат қилган ва улардан катта фойда кўрган барча колониялардан Ҳиндистон энг катта ҳамда энг бой бўлган ва кўпинча (Британия) тожидаги Марварид деб номланган.

Ниҳоят Ҳиндистонни тарк этишдан олдин инглизлар Ҳиндистон яриморолини уч қисмдан — Ҳиндистон, Ғарбий Покистон ва Шарқий Покистондан икки мамлакатга бўлишди. Ўша пайтда Ҳиндистон аҳолиси 330 миллион кишини ва ЯИМ 2,7 триллион долларни ташкил этган — бу дунё ялпи ички маҳсулотининг 3 фоизига тенг дегани. Икки минг йилликнинг аксарият қисмида дунё ишлаб чиқаришининг учдан бир қисмини ташкил этган мамлакат мустамлакачилар томонидан кучсизлантирилган.

## Эришилган ютуқлар

Ҳиндистон мустақилликка эришгандан бери Гангада кўп сув оқмоқда. 1950-51 йилларда қишлоқ хўжалиги, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасининг Ҳиндистон ЯИМга қўшган ҳиссаси мос равишда 56 фоиз, 15 фоиз ва 9 фоизлик кўрсаткичда бўлди.

Қишлоқ хўжалигида энг кўп ишчи кучи 72 фоизни ташкил этади, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари эса мос равишда 10 фоиз ва 18 фоиз иш ўринларини таъминлайди. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш йўналиши Ҳиндистон ЯИМнинг 54 фоизига етди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги мос равишда 25,92 фоиз ва 20,19 фоиз билан кейинги ўринларни банд қилган.

Мустақиллик арафасида ўртача умр кўриш 32 йил эди. Ҳозир у 70 ёшга етди. 1950 йилда Ҳиндистонда болалар ўлими коэффициенти 1000 тирик туғилишга 145,6 ни ва 1940 йилларда оналар ўлими даражаси 2000/100000 тирик туғилишни ташкил этди, бу 1950 йилларда 1000 га камайди. Мамлакат бўйлаб атиги 50.000 шифокор бор эди ва бирламчи тиббий ёрдам марказлари сони 725 тадан ошмасди.

Бугунги кунда болалар ўлими 1000 туғилишга 27,7 ни ва оналар ўлими даражаси 100000 га 103 ни ташкил қилади. Шифокорлар эса 1,2 миллиондан ортиқ. 2021 йил 8 декабрь ҳолатига кўра, мамлакатда 54,618 ёрдамчи соғлиқни сақлаш маркази, 21,898 бирламчи тиббий ёрдам маркази ва 4,155 шаҳар бирламчи тиббий ёрдам маркази мавжуд. Мамлакатда 70 минггача давлат ва хусусий касалхоналар бор. 2022 йил 5 апрель ҳолатига кўра ҳукуматнинг рақамли Ҳиндистон ташаббуси доирасида бутун мамлакат бўйлаб ташкил этилган 748 электрон шифохонани ҳисобга олмаганда Ҳиндистонда 117,771 “Аюшман Бхарат” соғлиқни сақлаш ва соғломлаштириш марказлари мавжуд.

Таълимга келсак, инглизлар Ҳиндистонни тарк этганда 498 та коллеж ва 27 та университетни ҳисобга олмаганда, 210 мингта бошланғич мактаб, 13600 та ўрта мактаб мавжуд эди. Бугунги кунда мамлакатда 1,6 миллионта мактаб, 42 343 коллеж ва мингта университет бор. 250 миллиондан ортиқ ўқувчилар мактабга боради ва бизнинг университетларимизда 40 миллионга яқин талабалар таҳсил олади.

Ҳиндистон ҳалокатли COVID-19 пандемиясидан омон қолди ва унинг иқтисодиёти 2020-2021 молия йилида 7,3 фоизга камайди. Ушбу пасайиш бошқа йирик иқтисодиётларга қараганда пастроқ бўлганлиги тасалли бериши мумкин. Мавжуд сўнгги ҳисоб-китобларга кўра, 2021-2022 йилларда ЯИМнинг ўсиш суръати 8,7 фоизни ташкил этади.

Ҳиндистон буюк миллат сифатида демократиянинг кучи ва барқарорлиги, қонун устуворлиги ҳамда дин, тил, маданият, иқлим, тарих, география ва бошқалар нуқтаи назаридан ўз аҳолисининг ҳайратланарли хилмахиллиги билан ажралиб туради.

## Келажак истиқболлари

Таҳлилчи Ручир Шарма томонидан сўнгги ўн йил ичида Ҳиндистон иқтисодиёти бўйича ўтказилган охирги тадқиқот бир нечта ҳаяжонли кашфиётларни ўз ичига олади. 2011 йилда Ҳиндистонда жами бойлиги 256 миллиард АҚШ долларини ташкил этган 55 миллиардер бор эди, бу ўша пайтда Ҳиндистон ЯИМнинг 13,5 фоизига тенг эди. Ўн йил ўтгач, 2021 йилда Ҳиндистонда миллиардерлар сони 140 нафарга етди, уларнинг умумий бойлиги 596 миллиард АҚШ долларидан иборат бўлиб, бу ЯИМнинг 19,6 фоизига тенг.

Шарманинг қўшимча қилишича, уларнинг 110 таси сўнгги ўн йил ичида бойиган янги миллиардерлардир. Мустақиллик даврида Ҳиндистон дунёдаги олтинчи йирик иқтисодиётга эга давлат эди. 2021 йилда Ҳиндистон аҳолиси тўрт баравар кўпайганлигини ҳисобга олсак, худди шу позицияни сақлаб қолиши бу кичик ютуқ эмас.

Юқорида айтилганларга қарамай, бўшашмаслик керак, чунки Ҳиндистонда ҳали ҳам аҳолининг катта қисми қашшоқлик чегарасида яшайди, яъни Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, 140 миллион киши — аҳолининг 10 фоизини ташкил қилади.

Агар Ҳиндистон ўз инфратузилмасини яратиш ва мустаҳкамлаш йўлида давом этса, жамиятнинг ҳамжиҳатлиги ва уйғунлигини сақлаб қолса, сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кўзда тутилган изчилликни барқарорлаштирса, келгуси авлодларга порлоқ келажак таъминлаб берилиши мумкин.

## Тараққиёт йўлидаги шерикликка оид ёндашув

**Гуржит СИНГХ,**
**истеъфодаги дипломат:**

— Ресурсларнинг дастлабки чекловларига қарамай, Ҳиндистон 1947 йилда мустақилликка эришгандан сўнг дарҳол ривожланиш тажрибаси ва техник билимларини бошқа мамлакатлар билан баҳам кўришни бошлади. Бу стипендиялар ва салоҳиятни ошириш дастурлари билан бошланиб, кейинчалик институционал қурилишга қадар давом этди.

Azadi Ka Amrit Mahotsav

Ҳиндистоннинг ривожланиш бўйича ҳамкорлик модели шерик мамлакатларнинг талабларига жавоб берадиган ва молиявий жиҳатдан мумкин бўлган ечимларни тақдим қиладиган тарзда ташкил этилган. Мамлакатнинг ривожланиш бўйича шериклигининг асосий воситалари кредит линиялари, грант ёрдами, кичик ривожланиш лойиҳалари, техник маслаҳатлар, табиий офатларда кўмак бериш ҳамда инсонпарварлик ёрдами ва Ҳиндистоннинг техник ҳамда иқтисодий ҳамкорлик дастури орқали салоҳиятни ошириш дастурлари ҳисобланади.

Яқинда Африкада ўтказилган тадқиқотда ITEC турли хил ривожланиш ҳаракатлари орасида энг яхши рейтингга эга бўлди. ITEC Ҳиндистоннинг тараққиёт бўйича ўз тажрибасини ва бошқа ривожланаётган мамлакатлар билан бўлишиш учун ўсиб бораётган ютуқларни ўртоқлашди.

Ҳиндистон дунё ва қўшни мамлакатларга мураккаб шароитларда ёрдам қўлини чўзмоқда. Непалда Ҳиндистон автомобиль йўлларини қурди, қишлоқларни электрлаштирди, манзилларни ичимлик суви билан таъминлади ва мамлакатнинг энергия салоҳиятини оширди. Яқинда ҳукуматимиз Шри-Ланка аҳолисига ёнилғи, озиқ-овқат ва дори-дармонлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун тахминан 3,8 миллиард доллар ёрдам кўрсатди. Африкадаги Пан-Африка электрон тармоғи лойиҳаси 2009 йилдан 2019 йилгача телетиббиёт ва масофавий таълим воситалари билан таъминлаш мақсадида 47 мамлакатни қамраб олган энг йирик лойиҳа эди. Энди у кейинги рақамли босқичга ўтди. Ҳиндистон — Африка форуми саммитлари Ҳиндистоннинг ривожланиш бўйича шериклиги учун янги парадигмани яратди ва молиялаштиришни бир неча миллиард долларга оширди.

Ҳиндистон Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари интеграцияси ташаббуси доирасида бир нечта лойиҳаларга ўз ҳиссасини қўшди, шунингдек, Камбоджа, Мьянма, Лаос ва Вьетнамдаги камбағалликни камайтиришга ёрдам берган лойиҳаларни қўллаб-қувватлади.

Иқтисодиёт ўсиб бориши билан Ҳиндистон имкониятлари ошди, Африка ва Осиё давлатларига ёрдам дастурларини кенгайтирди.

## 75 йиллик прогрессив Ҳиндистон

**Анил ТРИГУНАЯТ,**
**Ҳиндистоннинг Иордания, Ливия ва Мальтадаги собиқ элчиси:**

— 75 йилдан буён мустақил Ҳиндистон улкан ютуқларга эришди. Бу ютуқлар диққатга сазовор. Зеро, мамлакат инсониятнинг 1/6 қисмини мустамлакачилик зулмидан озод қилиш каби катта қийинчиликка дуч келган. Бинобарин, асосий муаммолар орасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва таълим ҳамда саноатни равнақ топтириш орқали давлат қурилиши, қашшоқликни йўқ қилиш, қурғоқчилик даврида озиқ-овқат билан ўзини ўзи таъминлашга уринган бир пайтда мустамлака хўжайинлари Гандининг зўравонликсиз ҳаракатлари билан мустамлака занжирларини олиб ташлашга мажбур бўлган халқни иккига бўлишган. Бу эса муаммони янада мураккаблаштирди, чунки дунё совуқ уруш мухолифларига ва Ҳиндистон аъзо бўла олмайдиган блок сиёсатига бўлинган эди.

Алалоқибат, Ҳиндистон нафақат мустамлака қилинган кўплаб мамлакатларни қўллаб-қувватлади ва озод қилишда ёрдам берди, балки миллий манфаатлар ҳамда тинчлик ва тараққиётга хизмат қилиш учун, айниқса, ривожланаётган ҳамда ривожланмаган дунё учун, қўшилмаслик ҳаракати шаклида янада адолатли куч билан учинчи йўлни яратди. У халқаро форумларда мазлумларнинг ҳуқуқлари учун курашчига айланди, шу билан бирга, масъул халқаро субъект овози сифатида ўз мажбуриятларини бажарди.

Ҳиндистоннинг ташқи сиёсати янада қатъиятли ва ишончли бўлиб, бенуқсон обрўга эга бўлди, чунки мамлакат қадриятларга асосланган ташқи сиёсатни олиб боради, глобал фаровонликка мос келадиган ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш учун стратегик мухторият томонидан аниқ бошқарилади ва дунё саҳнасида ақлнинг овозига айланади. Ҳиндистон БМТ Хавфсизлик Кенгашида энди музокаралар столида ўтиришни талаб этмайди, балки ўз ваколатлари асосида даъво қилади.

Шу билан бирга, Ҳиндистон ривожланаётган ва ривожланмаган мамлакатлар номидан, вакциналарга интеллектуал мулк ҳуқуқларидан воз кечиш ёки ЖСТнинг балиқчилик ва қишлоқ хўжалиги бўйича музокараларида ҳамда кўп томонлама институтларни ислоҳ қилишда етакчи роль ўйнашда давом этмоқда.

Ҳиндистон, шунингдек, иқлим ўзгаришига қарши курашда биринчи ўринда туради. Халқаро Қуёш альянси, табиий офатларга чидамли инфратузилма коалицияси ва “ягона Сайёра — ягона соғлиқ” — бу Ҳиндистоннинг глобал ҳамжамият билан биргаликда ва глобал ҳамжамият учун бошлаган ташаббуслари, чунки у табиий офатлардан пандемиягача бўлган инқирозларда биринчи жавобгар бўлди. БМТ Низомининг кўп қирралилиги ва устунлигига аниқ эътибор қаратган ҳолда, Ҳиндистон ўзининг ташқи ва хавфсизлик сиёсатини қадр-қиммат ва ишонч билан олиб боради, БРИКС, ШҲТ, “катта йигирмалик” ва Ҳинд — Тинч океани иқтисодий тузилиши каби турли гуруҳларнинг турфа шериклари билан ўзаро алоқада.

## Ҳиндистоннинг «Аатманирбҳарта» томон ҳаракати («Ўз ўзини таъминлаш 2.0»)

**Моҳан КУМАР,**
**Ҳиндистоннинг собиқ элчиси, академик:**

— 2020 йил май ойида Ҳиндистон Бош вазири Моди мамлакатни, фақат ўзига таянган давлат сифатида ташкил этишга чақирган. “Аатманирбҳарта”нинг тахминий таржимаси, шубҳасиз, “ўзига ишониш” деган маънони англатса-да, бу Ҳиндистон мустақиллигининг дастлабки йилларида етмишинчи ва саксонинчи йилларга қадар ишонган ва амалда бўлган ўзини ўзи таъминлаш тури эмас. Бу, албатта, автаркия ёки ичкарига назар солиш ҳам эмас. Бу, шубҳасиз, импортни тўхтатиш ва ҳар бир маҳсулотни уйда ишлаб чиқаришни ҳам англатмайди. “Аатманирбҳарта”ни “ўзига суянган мамлакатнинг иккинчи версияси” деб ўйлаш янада оқилона бўлиши мумкин.

Бош вазир “Аатманирбҳарта” бешта устунга таянишини айтди: иқтисодиёт, инфратузилма, технология, демография ва талаб. Нарендра Моди “Аатманирбҳарта”нинг маъносини тушунтириб, Ҳиндистонни глобал таъминот занжирларида иштирок этишга тайёрлаш кераклигини ва бу Ҳиндистон ютқазиши мумкин бўлмаган “жанг” эканлигини айтди.

Россия ва Украина билан боғлиқ вазият нафақат Европага, балки ривожланаётган ва кам ривожланган мамлакатларга ҳам катта таъсир кўрсатди. Хусусан, озиқ-овқат, энергия ва маҳсулот нархларига салбий таъсир қилди. Айниқса, буғдой танқислиги Африка ва Яқин Шарқда сезиларли рўй бериши кутилмоқда.

Бундай пайтда Ҳиндистоннинг улкан аҳолиси учун озиқ-овқат хавфсизлиги ҳақидаги позицияси қониқарли эканлигини англаш катта ютуқдир. Бу “Ўз ўзини таъминлаш 2.0”нинг яна бир намойиши. Дарҳақиқат, Ҳиндистон нафақат миллий дастури орқали 800 миллион фуқаросига буғдой ва ясмиқни тарқатибгина қолмай, балки буғдойни муҳтож бўлган кам даромадли мамлакатларга камтарона экспорт қила олди. “Аатманирбҳарта” яна ўз самарадорлигини кўрсатди.

## Космик технологиялар салоҳиятидан унумли фойдаланмоқда

**П. С. РАГАВАН,**
**«Вивекананда» халқаро жамғармасининг фахрий аъзоси, собиқ дипломат:**

— Жорий йилнинг 11 июнида Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди Ҳиндистон миллий космик ёрдам ва авторизация марказининг штаб-квартирасини очди. Бу Ҳиндистон ҳукумати томонидан миллий космик йўналишда хусусий секторнинг иштирокини рағбатлантириш, шу пайтгача ҳукумат идораси — Ҳиндистон космик тадқиқотлар ташкилоти томонидан тўлиқ эгалик қилган космик ресурслар, маълумотлар ва воситалардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш учун бошланган ислоҳотларни амалга оширишда муҳим қадам бўлди.

Марказ сунъий йўлдошларни яратиш ва учириш ҳамда космик хизматларни кўрсатиш бўйича хусусий корхоналар фаолиятига рухсат берувчи ва назорат қилувчи мустақил ягона дарча агентлиги. Велосипедни қайта ихтиро қилмаслик учун ISRO технологияси ва тажрибасини бепул ёки ўртача нархларда алмашиш учун мос механизмларни ишлаб чиқади. ISRO — капитал талаб қиладиган юқори технологияли объектлар хусусий корхоналарга фойдаланиш учун тақдим этилади. Мухтасар айтганда, Ҳиндистон ҳукумати IN-SPACe ёрдамида хусусий саноат учун қулай сиёсат ва қулай тартибга солиш муҳити билан тенг шароитларни таъминлайди.

Сўнгги ўн йилликларда Ҳиндистоннинг космик саноати ривожланиш даврининг кўп қисмида қийин муҳитда (санкциялар, экспорт назорати, технологияни рад этиш) сезиларли ютуқларга эришди. ISRO турли соҳаларда космик хизматлар ва иловалар учун кенг қамровли технологияларни ишлаб чиқди. У мустақил равишда стратегик аҳамиятга эга бўлган мураккаб технологияларни яратди. Компания юқори тармоқли кенглиги билан алоқа қилиш, геотасвирларни олиш ва Ерни юқори аниқликда кузатиш учун сунъий йўлдошларни ишлаб чиқади, қуради ва ишга туширади ҳамда Ҳиндистоннинг мустақил автоном навигация сунъий йўлдош тизимини (“Navic”) бошқаради. Илмий тадқиқотлар ва ишланмалар соҳасида Ҳиндистон космик дастури баъзи жиҳатдан ривожланган космик давлатлардан олдинда.

Жаҳон космик саноати бугунги кунда қарийб 400 миллиард доллар даромад келтирмоқда. Прогнозларга кўра, бу кўрсаткич 2040 йилга бориб 1 триллион доллардан ошади ва 2050 йилда эса 2,7 триллион долларга етади. Ушбу ўсиш янги автоматлаштириш ва миниатизация технологияларига бўлган талабнинг ортиши билан боғлиқ бўлиб, харажатларни ва вақтни тежаш ҳамда сифатни яхшилашга олиб келади.

Космик технологиялар аллақачон кенг тарқалган ва янада мураккаб версиялар уларнинг имкониятларини бундан-да кенгайтиради, чунки янги авлод тармоқлари ва илғор сунъий йўлдош навигация хизматларига тезроқ уланиш ва юқори аниқликдаги тасвирларни тақдим этиш орқали боғланишни яхшилайди. Илон Маскнинг “SpaceX” ва Жефф Безоснинг “Blue Origin”идан ташқари, кенг кўламли космик хизматларни таклиф қилувчи ривожланаётган хусусий космик саноат пайдо бўлди.

Махсус алоқа имкониятларига, шунингдек, Ерни кузатиш иловаларига талаб тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Йирик корпорациялар ўзларининг сунъий йўлдошларига сармоя киритишга тайёр ва шу билан келажакдаги эҳтиёжлари учун ўз имкониятларини тақдим этади. Парвоз ва денгиздаги кенг полосали уланиш каби янги дастурлар, шунингдек, “Digital India” ва “Bharatnet” каби ҳукумат ташаббуслари Ҳиндистоннинг сунъий йўлдош бозоридаги компаниялар учун янги имкониятлар яратмоқда. ЭО технологиясининг ривожланиши билан тоғ-кон компаниялари ўзларининг дала ускуналарини сунъий йўлдошли аналитик ва мониторинг воситалари билан алмаштиришлари мумкин.

Ракета ишлаб чиқаришни тижоратлаштиришда биринчи муҳим қадам “Hindustan Aeronautics Limited” давлат корхонаси ва “Lorsen & Toubro” хусусий компаниясидан ташкил топган консорциумга 103 миллион долларга бешта “Polar Satellite” (ПСЛВ) ракеталарини ишлаб чиқариш бўйича шартнома бериш билан амалга оширилди.

Сунъий йўлдош тасвирлари учун Ерни кузатиш маълумотлари ҳам етарли даражада таъминланмаган бозор ҳисобланади, чунки ҳозиргача қоидалар мижозлар талаб қиладиган маълумотлар фақат ISRO орқали келишини буюрган. Шунга қарамай, ISRO имкониятлари деярли бутунлай ҳукумат ва унинг муассасалари эҳтиёжларини қондириш учун ишлатилади. Бошқа фойдаланувчиларнинг талабини қондириш учун у маълумотларни импорт қилади ва қайта сотади, бу эса уни қимматроқ қилади.

Янги сиёсат хусусий ва эксплуатация қилинадиган космосга асосланган масофадан зондлаш тизимларига Ҳиндистон ва ундан ташқарида операцияларни амалга оширишга имкон беради. 2029-2030 йилларга бориб Ҳиндистонда геоспатиал маълумотларга талаб қарийб 12 миллиард долларга кўтарилиши кутилмоқда. Яқинда ҳукумат мамлакатнинг геоспатиал экотизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш чораларини кўрди. У географик маълумотлар ва хариталарни йиғиш, яратиш, тарқатиш, сақлаш ва/ёки рақамлаштириш учун лицензия ёки олдиндан рухсат олиш талабини бекор қилди. Бу юқори аниқликдаги маълумотлар ва уларнинг иловалари нархини сезиларли даражада пасайтириш орқали қуйи оқим дастурларининг ўсишига туртки беради.

Космик технологиялар омбори сифатида ISRO уларни Ҳиндистон саноати билан алмашишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ҳиндистонлик тадбиркорлар, шунингдек, мамлакатга сунъий йўлдош технологияларини жорий этишга сармоя киритишга тайёр бўлган хорижий компаниялар билан технологик ҳамкорликни йўлга қўйишлари мумкин эди.

Космик стартаплар ва космик секторда ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилувчи компаниялар сонининг тез ўсиши кузатилмоқда. Саноат органи, Ҳиндистон космик ассоциацияси, ушбу янги пайдо бўлган саноат манфаатларини илгари суриш ва ҳукумат ҳамда унинг идоралари билан сиёсатни тарғиб қилиш учун ташкил этилган. Бу ҳукумат, ISRO ва хусусий космик саноат оптимал давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришга интилаётган ушбу босқичда муҳим роль ўйнайди.

Агар ислоҳотлар прогнозларга мувофиқ амалга оширилса, Ҳиндистон космик сектори 2025 йилга бориб ички савдо ва экспорт шаклида камида 50 миллиард доллар даромад келтириши керак.

**Ф. АБИЛОВ тайёрлади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 23 960 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 03.10 1 2 3 4 5 6